

81.2.

Саъдулла ҒАЙБУЛЛАЕВ

ҚОРАҚЎЛ ВОҲАСИ
ТОПОНИМЛАРИ



81.2

Саъдулла ҒАЙБУЛЛАЕВ

ҚОРАКЎЛ ВОҲАСИ ТОПОНИМЛАРИ

Илмий рисола

Тошкент
«Turon zamin ziyo»
2015

2691

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

ТашкИО'ТАУ

AXBOROT-RESURS MARKAZI

УЎК: 94(575.146)
КБК 81.2 Ўзб-3
F-17

Ғайбуллаев, Саъдулла

Қорақўл воҳаси топонимлари (Илмий рисола) / Саъдулла Ғайбуллаев. –
Т.: «Turon zamin ziyo» 2015. – 96 б.

ISBN 978-9943-335-99-8

Ушбу китобда халқимизнинг маънавий-тарихий меросида алоҳида ўрин тутувчи Бухоро вилоятининг Қорақўл воҳасидаги топонимларнинг маъноси, келиб чиқиши ва тарихи ҳақида фикр юритилади.

Рисола юртимиз тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

УЎК: 94(575.146)
КБК 81.2 Ўзб-3

Маъсул муҳаррир:
Олим Тангриев

ISBN 978-9943-335-99-8

© Саъдулла Ғайбуллаев
© «Turon zamin ziyo»,
Тошкент, 2015 й.



*Ушбу китобимни ҳаёт йўлларимда
суянчиқ бўлган Худойқул Жўраев,
Тилак Жура ва Жумақул Нафасов
каби қалби дарё инсонлар
хотирасига бағишлайман*

ТАРИХНИНГ ТИЛСИЗ ГУВОҲЛАРИ

Мамлакатимиздаги жой номларини – топонимларни тўплаш, уларнинг ривожланиш ва ўзгариш тамойилларини, тарқалишини аниқлаш, номларнинг муҳим лексик-семантик, грамматик хусусиятларини ёритиш, номларнинг келиб чиқишини ўрганиш ва ҳар бир ҳудуд бўйича топонимик луғатлар тузиш маънавиятимиз ва азалий қадриятларимиз қайта тикланаётган ҳозирги пайтда айниқса долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки топонимлар кўп минг йиллик тарихимизнинг тилсиз гувоҳларидир, улар тарихий воқеалар, муаян ҳудуднинг жўғрофий хусусиятлари, унда яшаган элу элатларнинг кечмиши, кишиларнинг касб-кори, дунёқараши, фикрлаш тарзи ҳақидаги халқ хотирасининг ифодасидир. Шу сабабли топонимларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва уларни асраш, келажак авлод учун сақлаб қолиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Ҳар қандай топоним – жой номи ўзида муайян маънони ифодалайди, ҳеч бир ном ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Тўғри, асрлар давомида тил ва талаффуздаги ўзгаришлар тўфайли қадимги аجدодлардан мерос бўлиб қолган баъзи жой номларининг ҳозирги маъноси тушунарсиз бўлиши ёки улар қулоққа сал қўполроқ эшитилиши мумкин. Лекин ўз ақлу шууримиздаги бу ноқисликлар бизга жой номларини ўзимизча талқин қилишга, топонимга қўйиладиган талабларга, она тилимиз қоидалари ва ри-



вожланиш қонуниятларига зид равишда уларни замонавийлаштиришга ҳеч бир маънавий ҳуқуқ бермайди. Ўз ота-бобосининг исми замонавийроқ жарангламаганлиги учун (*Қорёғди, Итолмас, Жумақул, Болтабой, Бўрибой, Қўчқор каби, ҳолбуки, бу исмларнинг ҳам ўз келиб чиқиш сабаблари, тарихлари мавжуд, бу эса энди бошқа мавзу*) инсоннинг улардан воз кечишга уриниши манқуртликнинг ифодаси бўлса, жой номларини асосиз ўзгартиришга уриниш ҳам кичик тарихни инкор қилишдек калтабинликнинг шунчалик инъикосидир.

Кўп йиллик кузатишларимиз, ўқиб-изланишларимиз, аччиқ бўлса ҳам афсус билан айтиш керак, аждодларимиз томонидан ҳам, бугунги авлодлар томонидан ҳам топонимларга халқ маънавиятининг бебаҳо мулки сифатида қараш тушунчаси етарлича шакллантирилмаганлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли улар истаганча марта қайта номланган, оғзаки талаффузга мослаштириб ёзилаверган. Ҳатто, гидронимларни, микротопонимларни қўя турайлик, энг йирик жой номлари ҳам XX аср бошларигача бирор марта тўлиқ рўйхатга олинмаган.

Биргина “Ўрта Осиё олимлари қомуси” (Тошкент, 2007) китобидан жой олган Ўрта Осиёга мансуб ўнлаб олимлар ва шариат пешволарининг туғилган жойларига қараб ҳозирги Ўзбекистонда, хусусан, Бухоро атрофида қандай номи гўзал маъноли қишлоқлар мавжуд бўлганлигидан хабардор бўласиз. Лекин уларнинг аксарияти бугунги кунда унутилиб кетган. Бу эҳтимол, ёки мен, ёки сиз яшаётган қишлоқдир.

Шу жиҳатдан бундан бир неча йил муқаддам эълон қилинган Бухоро амири кушбегиси девони фондида сақланаётган айрим ҳужжатларни ўзида жам этган “Населенные пункты Бухарского эмирата” (Ташкент, изд. “Университет”, 2001.) китоби юртимиз тарихини, хусусан унинг топонимикасини ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. 10 мингдан ортиқ жой номларини ўзида му-



жассамлаштирган мазкур тўпламдан Қорақўл воҳасига тегишли қишлоқлар ва сув иншоотлари номлари ҳам жой олган.

Хужжатларга қараганда 1913-1916 йилларда Бухоро амирлигида бошқарув тизимини такомиллаштириш, солиқ масалаларини тартибга солиш мақсадида қишлоқларни рўйхатга олиш ўтказилган. Бу иш бошқа ҳудудлар қатори Қорақўл туманига (Қорақўлга ўша даврда ҳозирги Олоттумани ҳам кирган) ва ўша пайтда Хайробод туманига мустақил маъмурий бошқарув ҳудуди сифатида мансуб бўлган Пойкенд амлокига Бухородан юборилган махсус амалдорлар томонидан амалга оширилган, улар қишлоқларнинг аминлари ва оқсоқолларини йиғиб, барча керакли маълумотларни жамлаганлар ва пойтахтга жўнатганлар. Афсуски, бу рўйхатга ҳозирда мавжуд бўлган ва ўтмишда ҳам мавжудлиги бизнинг тасаввуримизда шубҳадан холи бўлган айрим қишлоқлар кирмай қолган. Таъкидлаш жоизки, аҳоли манзилгоҳининг қишлоқ деб аталиши учун унда камида битта масжид бўлиши шарт бўлган. Демак, улар бу талабга жавоб бермаган ва улар бошқа қишлоқлар таркибига киритиб ҳисобланган, бир киши уларнинг оқсоқоли ҳисобланган.

Яна асосий топонимлар масаласига қайтадиган бўлсак, фуқароларимизга маънавий фойдаси тегармикан, ўзлигини, қадр-қимматини англашда уларга кўмакчи бўлармикан деган умидда биз юқорида зикр этилган китобга киритилган Қорақўл воҳасига тегишли жўғрофий номларни (топонимларни) бир рўйхатга солиб, рўйхатга кирмаганларини (улар рўйхатда *** белгиси билан ажратилган) бошқа манбалардан топиб-қўшиб, уларни имкониятимиз ва ақл-идрокимиз етган даражада тарихий-филологик ва лингвистик таҳлил қилган ҳолда ўқувчиларимиз ҳукмига ҳавола қилишни маъқул топдик. Чунки бундай таҳлил жой номининг келиб чиқишини аниқлаштиришда, бу борада тўғри ҳулосага келишда муҳим илмий-амалий, тарихий-маънавий аҳамият касб этади.



ҚОРАҚҮЛ ВОҲАСИДАГИ ТАРИХИЙ ТОПОНИМЛАР

Амлоқлар (ҳижрий 1333 йил муҳаррам ойининг биринчи санаси – 1914 йил ноябрь ойидаги маълумот бўйича)

ИЛОТИ (ЭЛОТИ) САӢЙН АМЛОКИ ВА УНГА КИРГАН ҚИШЛОҚЛАР

Илоти (Элоти) СаӢйн амлоки – амлок номини сўзма-сўз таржима қилсак, бу **СаӢйн Элоти** амлоки деган маъно келиб чиқади. Ном таркибидаги **СаӢйн** аслида Чингизий Жўжи улусининг ҳукмдори, аниқроғи, Чингизхоннинг невараси Ботухоннинг лақаби бўлиб, мўғул тилида “**ҳомий**” деган маънони билдиради. Бундан мазкур ҳудудда яшган аҳоли маълум даврда Ботухонга элат, тобе бўлганлиги англашилади. Амлок эса ўша пайтда туман таркибига кирган маъмурий бирликдир. Ундаги ерлар амир томонидан деҳқончилик қилиш учун айрим кишиларга берилган. Амлок ерлар айрим заминдорларнинг мулки бўлмай, балки давлат миқёсида бирлашган амир бошчилигидаги зодагонлар гуруҳининг мулки ҳисобланган. Амлокка туман беки, Қоракўл туманидаги вужудга келган анъанага кўра эса, Қоракўл қозиси тайинлайдиган амлоқдор бошчилик қилган. Мазкур амлокка 25 дан ортиқ катта-кичик қишлоқ кирган. Амлоқдор хирож ва солиқ йиғиш, деҳқонларнинг ҳосилини ҳисобга олиш ва бошқа ишлар билан шуғулланган. Амлоқдор ихтиёрида ҳужжат ишларини юритувчи котиб, суғориш ишларини назорат қилувчи мироб, қишлоқларнинг оқсоқоллари ва аминлари бўлган.

Ажийи Ирон (Ажи Айрон) – ажи номли туркий уруғ бўлганлиги “Турон қавмлари” номли китобда қайд қилинган. 1926 йилда ўтказилган районлаштириш бўйича



этнографик материалларда ҳам эрсори қабиласига ман-суб бу уруғ номи учрайди. Абдурауф Фитратнинг ёзишича, топонимнинг иккинчи қисми бўлган **ирон** сўзи мўғул тилида **тўқсон** деган маънони англатади. Шу асосда қишлоқнинг номини **тўқсон кишилик** ёки **тўқсон уйлик ажилар** деб талқин қилиш мумкин. Айни вақтда топонимдаги сўзларнинг тузилишига қараб у Эрондан келган, эронлик, эроний ажилар деган маънони англатиши мумкинлигини ҳам истисно қилиб бўлмайди.

Арғуни Мироб Ариғ (яъни, Миробариқ бўйидаги Арғун) – қишлоқнинг номи этник ном асосида, яъни туркий халқлар таркибида бўлган қадимий **арғин** (арғу, арғун, орғун) қабиласи вакиллариининг шу жойни макон тутиши асосида келиб чиққан. Арғин сўзининг маъноси “аралаш”, “қўшилган”, яъни бир неча уруғлардан ташкил топган демакдир. Тарихий маълумотларда арғин қабиласи 7 уруғдан ташкил топганлиги кўрсатилган.

Арғинларнинг асл ватани Шимолий-Шарқий Хитой, Мўғулистон ва Россиянинг шарқидаги Орхин дарёси бўйларида деб ҳисобланади. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида бу қабила номи арғу тарзида учрайди. Арғинларнинг аجدодлари даставвал 8-12 асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига (Фарғона водийси, Тошкент, Зарафшон, ҳозирги Сурхон воҳалари), кейинроқ Хуросонга ўша вақтдаги турли сиёсий ҳаракатлар натижасида кўчиб келиб ўрнашган. Ўша даврда арғинларнинг бир қисми Қорақўлга ҳам келиб қолган.

Арғинлар Соҳибқирон Амир Темурни тан олган ва унинг салтанатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган қирқта ўзбек қавмларидан бири бўлган. Арғинларнинг уруғ ва қабила бошлиқлари Темур ва Темурийларнинг энг ишончли кишилари бўлган. Улар катта имтиёзли ер эгалари – Тархонлар ҳисобланишган. Улар ичидан кўплаб саркардалар, давлат арбоблари етишиб чиққан. Шулар-



дан бири Қорақўл ҳокими Султон Ҳусайн Арғуннинг номи тарихда сақланиб қолган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида унинг номини тилга олиб ўтган.

Аслзода арғин уруғи вакилларининг айримлари Темуррийлар хонадони билан қариндошлик, куда-андачилик муносабатида бўлганлар.

Шайбонийлар даврида арғинларнинг олдинги мавқеи пасайиб, мамлакатнинг сиёсий ҳаётига деярли аралашмаганлар. Лекин уруғ вакиллари Бухоро хонлари ва амирликларида ҳукмдор ҳузуридаги машваратларда 20 асрнинг 20-йилларигача иштирок этишган.

Арғин деган жой номлари мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида (Кармана, Дехнав – Сурхондарё), Россиянинг Кавказ минтақасида ҳам учрайди.

Арғинлар 20 аср бошларидаги бир қанча туркий элатларнинг (қозоқ, қирғиз, татар, туркман, қорақалпоқ) миллат сифатида шаклланиш жараёнида бевосита иштирок этганлар ва улар таркибига сингиб кетганлар.

Яна бир фикр: арғинлар таркибида ариғ номли кичик уруғ ҳам борлиги қайд қилинган.

Лекин бир нарсани унутмаслик керакки, мазкур қишлоққа ном берган уруғ вакиллари ўз номларини топонимга айлантирган ҳолда, ҳозирда ўзлари яшамаётган бўлиши мумкин. Бундай ҳодиса тарихда кўп учрайди. Бу қишлоқ ҳам шу ҳодисадан мустасно эмасга ўхшайди, бизнинг назаримизда.

Ардал – бу қишлоқнинг номи туркийча **ард** ва **ғўл** сўзлари бирикмасидан келиб чиққан деб ҳисоблаймиз. Бу икки сўз бирикиш пайтида товуш ўзгаришларига учраб ҳозирги ҳолатни олган. Бундай ҳол, яъни **ғ** ёки **ҳ** товушларининг тушиб қолиши, **ў** нинг **а** га ёки аксинча ўзгариши, ўзбек тилида, айниқса, ўғиз лаҳжасининг таъсири катта бўлган жойларда учраб туради. **Ард** – сирт,



орқа; **ғўл** – қанот, марказ маъносини англатади. **Ардғўл**, **ардал** қўшиннинг орқа томонида уни душманнинг орқадан фавқулудда қилиши мумкин бўлган ҳужумидан қўриқлаб борувчи махсус ҳарбий бўлинмадир. Туркийлар армияларидаги ҳарбий бўлинмалар номидаги бошқа қишлоқларнинг ҳам мавжудлигини юқоридаги фикри-мизни тўлдириш учун далил сифатида келтирмоқчимиз. Хулоса шуки, бу қишлоқда қачонлардир ҳарбий жиҳатдан ишончга сазовор бўлган аскарлар яшаб қолишган ва бу ҳол қишлоқнинг шундай аталишига сабаб бўлган. Бухоро амирлигининг Чаҳоржўй вилоятидаги Бўйни Узун амлоқида ҳам Ардал қишлоғи қайд қилинган.

Очбек – қишлоқнинг номи хидрейли уруғи ичидаги бир тўп номидан келиб чиққан. X аср охири – XI аср бошларида улар салжуқийлар таркибида мавжуд бўлишган. XVI аср бошларида яратилган ва муаллифлиги Муҳаммад Солиҳга нисбат берилувчи “Таворих-и гузида, Нусратнома” китобида юқоридаги маълумот келтирилган. Қолаверса, ўша пайтдаги Карки вилоятининг Халаж беклигида ҳам Очбек қишлоғи рўйхатга олинганлиги бу фикрни қувватлайди.

Баланд масжид – жой номининг келиб чиқиши мазкур қишлоқда ўз даври учун ҳашаматли бўлган масжид қурилиши билан боғлиқ. Қурилган иморатнинг салобати ёки номи билан қишлоқ ёки маҳалла номини аташ азалда таомилда бўлган.

Бегач (Бекачи) – бу ном форс-тожикчадан тилимизга ўгирганда **чексиз**, **ўлчовсиз** деган маъноларни ифодалайди. Қишлоқ ҳудуди бошқа қишлоқларга нисбатан кенг, мўл бўлганлиги учун шу ном келиб чиққан бўлиши эҳтимолга яқиндир.

Бичоқчи – ўрта асрларда Зарафшон дарёсининг қуйи оқимларига келиб ўрнашган қипчоқлар (оқ қипчоқлар) таркибида **бичоқчи**, **пичоқчи** деган кичик уруғлар мавжуд бўлган. Қишлоқнинг номи ана шу этник ном асосида



келиб чиққан дейиш тарихий асосга эгадир. Уруғга эса бу ном уруғ вакилларининг асосий касб-кори – пичоқчилик билан шуғуллангани учун берилган бўлиб чиқади. Қипчоқ лаҳжасида “П” ундошининг “Б” ундошига алмашилиши одатдаги ҳодисадир. **Пичоқчи** уруғининг бир қисми туркманлар ва Эронда яшовчи **қожор** элати таркибига ҳам кирган.

Бўрибек – бу қишлоқ номи ҳақида у антропоним, яъни у шу қишлоқ ҳаётида муҳим ўрин тутган **Бўрибек** исмли инсон номидан келиб чиққан деган фикрдамиз.

Ғончи – “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (5-том) **ҒОН** сўзига “тут ипак қурти еган тут барги... қолдиқлари” тарзида изоҳ берилганини ҳисобга олсак, **ҒОНЧИ** – ипак қурти боқувчи деганга яқин маънони билдиради. Қўшни Тожикистон Республикасининг Сўғд вилоятида ҳам асосан ўзбеклар яшайдиган шу номли қишлоқ ва туман мавжудлигига қараганда бу топоним кам ўрганилган **ҒОНЧИ** уруғи номидан келиб чиққан бўлса керак деган мулоҳазадамиз. Чунки одатда этник ном асосидаги жой номлари жуда кўп ҳолда такроран учрайди. Бу икки ҳолатни умумлаштириб, қадимий оталар юрти – ҳозирги Россиянинг Узоқ Шарқ ва Сибир кенгликлари ҳамда Хитойнинг шимолий худудларида яшаган бу уруғнинг асосий касби **ҒОНЧИЛИК** – ипак қурти боқишдан иборат бўлган деб айтиш, бизнингча, тарихий ҳақиқатга яқинроқ келади.

Давлатбой – бу қишлоқ номи ҳақида ҳам у антропоним, яъни у шу қишлоқ ҳаётида муҳим ўрин тутган бирор инсон номи билан боғлиқ деган фикрдамиз.

Дехнав – қишлоқ номи тожикча-форсча *Дех* – ер, жой ва *нав* – янги сўзларидан ясалган. У Янгиер, Янгиқишлоқ деган маънони англатади. Ҳозирда қишлоқ номи Денав, Денов тарзида талаффуз қилинади.

Зарғарқайроқ – қишлоқнинг номи бу қишлоқда **заргар** ва **қайроқ** уруғларига мансуб кишилар ўрнашиб қолганлигини кўрсатади. Қоракўл воҳасига келиб



ўрнашган қўнғиротлар таркибида қайроқ уруғи мавжуд бўлган. Ўзбекистондан ташқари ўша пайтда Бухоро амирлиги таркибига кирган ҳозирги Тожикистон ва Туркманистоннинг айрим жойларида заргар уруғи билан боғлиқ 20дан ортиқ этнотопонимлар мавжуд.

Қатортеппа – бу ибора қатор уй, макон деган маънони билдиради.

Кўккўз – қишлоқнинг номи этник ном, яъни тарихи яхши ўрганилмаган қўнғиротлар таркибидаги кўккўз уруғининг номи асосида келиб чиққан. Кузатишларимиз қишлоқ аҳолиси аксарият қисмининг кўзи кўклигини кўрсатади. Бу эса уруғ номига сабаб бўлган.

Қурбаққа Чандир – қишлоқнинг номи шу номли қабила номидан келиб чиққан. **Чандир** – қаттиқ, пишиқ, чидамли деган маънони англатади. Бу чандир уруғига мансуб кишиларнинг азоб-уқубатга чидам билан бардош берганликларидан далолат берса ажаб эмас. Баъзи манбаларда эса чандир сўзи қамишқаппа деган маънони англатиши, уруғнинг номи Чандирмомо исми аёлнинг исмидан келиб чиққанлиги қайд қилинади. Қишлоқ номи таркибидаги қурбаққа сўзига келганда шуни айтиш керакки, бир тахминга кўра чандирлар кўчиб келиб ўрнашган жой, қурбақага тўла ботқоқликдан, ҳалқоб кўлчалардан иборат бўлган. Иккинчи тахмин шуки, қишлоқ аҳли илгари бирор масалани ҳал қилишда ҳеч ўзаро муросага боришолмасдан, ўринсиз тортишувларга, бақир-чақирга берилиб кетишган...

Чандирлар, даставвал, Сибирда, Олтой тоғлари эталарида яшашган, турк хоқонлиги таркибида бўлишган. Кейинчалик, яъни 8-9-асрларда ўша пайтдаги сиёсий вазият туфайли Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида, Орол денгизи бўйларида яшашга мажбур бўлишган. Улар яна бўлиниб кетиб, бир қисми ҳозирги Туркманистон,



Эрон, иккинчи озроқ қисми Озарбайжон, катта қисми эса Мовароуннаҳр, яъни Ўзбекистон ҳудудида ўрнашиб қолган.

20-аср бошларигача Ўзбекистондаги (ҳозирги Бухоро, Самарқанд, Навоий, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари) чандирларнинг айримлари ярим ўтроқликда кун кечирган, чорвадорлик билан шуғулланган. Улар 20-асрнинг биринчи чорагидан бошлаб ўзбек, озарбайжон ва туркман, қисман тожик миллатлари таркибига сингиб кетишган бўлса-да, кундалик турмушда, оилавий муносабатларда, лаҳжада айрим ўзига хосликларни сақлаб қолишган. Чандирлар ичида ҳам қайтмас, ғожор каби майда уруғлар мавжуд. Биз кузатган чандир уруғига мансуб кишиларнинг деярли барчасида монголоид ирқига мансуб антропологик жиҳатлар ёрқин сақланиб қолган. Баъзи тадқиқотчилар чандирлар турклашган, ўғизлашган мўғуллар, деб ҳисоблашга мойилдирлар.

1926 йилда Қорақўл воҳасида яшовчи бу уруғга мансуб кишиларнинг сони минг кишидан иборат бўлгани қайд қилинган.

Лабкон – бу топоним **коннинг лаби, соҳили** деган маънони англатади.

Миробариғ – қишлоқнинг номи арабча “**амир**” – “**бошлиқ, ҳукмдор**”, форс-тожикча “**об**” – “**сув**” ва ўзбекча “**айирилик**” маъносини билдирувчи “**ариқ**” сўзларининг бирикмасидан иборатдир. Қишлоқнинг номини таржима қилсак, миробнинг, яъни сув тақсимотини назорат қилувчининг ариғи деган маънони англаймиз.

Бухоро хонликлари ва амирликларида алоҳида мироблик лавозимлари бўлган. Улар суғориш тармоқларига сувни тақсимлаш, миробона солиғини ундириш билан шуғулланганлар. Мироблик ҳукмдорнинг махсус ёрлиғи билан авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган.

Қишлоқда ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Кас-



би туманида сўнги макон топган саййидзода Султон Мирҳайдарнинг (вафоти 1366 йил) Қорақўлдаги авлодларининг хоки ётган қабристон (Мирҳайдар Поччо қабристони, Шоҳмирзо ибн Мирҳайдар қабристони ҳам дейишади) мавжудлигига, 1930 йиллар охиригача мазкур қишлоқда 7 асрлик тарихга эга бўлган масжид бўлганлигига қараганда, қишлоқ ва унинг аҳолиси муайян нуфузга эга бўлган. Демак, бу қишлоқдан нуфузли миробларнинг етишиб чиққанлиги ҳақидаги хулоса мантикий асосга эга бўлади.

Пичоқчи – 9-бетдаги **Бичоқчи** сўзига қаранг.

Саъйн Қаравул – сўз таркибидаги **Саъйн** аслида Чингизий Жўжи улусининг ҳукмдори Ботухоннинг лақаби бўлиб, мўғул тилида “**ҳомий**” деган маънони билдиради. **Қаравул** – Қоровул эса мўғул армиясидаги тузилмалардан бири бўлиб, хон қароргоҳини қўриқлаш унинг хизмат вазифасига кирган. Демак, бундан қишлоқнинг номи Ботухоннинг қоровуллари деган маънони англатиши келиб чиқади. Қорақўл воҳасида чингизийлар номи билан боғлиқ жой номларининг кўп учрашига қараганда юқоридаги фикр ҳақиқатга мос келади, деб ўйлаймиз (34-бетдаги Қаровул сўзининг изоҳига қаранг).

Саъйн Хидир Айли – сўз таркибидаги **Саъйн** аслида, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Чингизий Жўжи улусининг ҳукмдори Ботухоннинг лақаби бўлиб, мўғул тилида “**ҳомий**” деган маънони билдиради. Хидир Айли – Хидрейли – Хидир эли эса ўғиз уруғларидан бирининг номидир. Бундан Ботухоннинг ҳомийлиги остидаги хидрейлилар деган маъно келиб чиқади. Демак, хидрейлилар Ботухонга тўла тобе бўлишган, унинг амру фармониغا сўзсиз итоат этишган. “Таварих-и гузида...” китобида солурларнинг 6 ва мўғулларнинг 4 нафари бирлашишидан бу қабила келиб чиққан дейилади. Хидрейлилар 20-асрнинг биринчи чорагидан бошлаб бошқа туркий уруғлар қаторида асосан



Ўзбек, озарбайжон ва туркман, қисман тожик миллатлари таркибига сингиб кетган. 1926 йилдаги районлаштириш маълумотларига кўра Қоракўлдаги бу уруғ вакилларининг сони 1825 кишини ташкил қилган, уларнинг аксарияти ўзларини Афғонистоннинг Андхой деган жойидан келиб қолганликларини кўрсатишган. Кўчма маънода хидрейли деганда қайсар, ўз гапидан қайтмас одамлар тушунилади.

Тўз Алди – бу сўзлар қум олди, қум босди деган маънони беради. Қишлоқни бир пайтлар кўчма қумлар босган бўлса, кейинчалик у яна обод қилинган бўлса керак. Қадимий туркий тилда тўз сўзи камарга тақиладиган ҳалқа, мамлакат, юрт (эл-тўз), асл, таг, асос, тўғри, текис, қум, туз маъноларини ҳам англатган. Шахсий архивимиздаги XVIII аср бошларига мансуб ҳужжатда қишлоқнинг номи Тўзонли шаклида учрайди. Шунга қараб қишлоқнинг ёши камида уч асрни ташкил этади деб фикр билдириш мумкин. Товуш ўзгариши туфайли қумли, чангли жой маъносини англатувчи Тўзонли сўзи Тўз Алдига айланиб кетган бўлишини ҳам истисно қилиб бўлмайди.

Ўрганжи – қишлоқнинг номи урганчликлар, яъни хоразмликлар деган маънони англатади. Тарихдан маълумки, Амир Темур Урганчни (яъни, ҳозирги Туркменистон ҳудудидаги Кўҳна Урганчни) бир неча марта забт этган ва уердаги аҳолининг бир қисмини Самарқандга кўчириб келтирган. Кейинчалик урганчликларнинг ўзаро бирлашиб, салтанатга қарши бош кўтармаслиги учун уларни қуйи Зарафшон воҳасидаги шаҳар ва туманларга тарқатиб юборган.

Шайбонийхон Хоразмни забт этгандан сўнг (1501-1502 йилларда) бир неча катта шаҳар аҳолисининг талай қисмини зўрлик билан ички ҳудудларга кўчирган. Бухоро ҳукмдорлари ҳам бир неча марта (19-аср ўрталаригача) Хоразмга ғолибона юришлар қилиб, аҳолининг бир қисмини тазйиқ остида Ҳисорга, Бухорога, Самарқанд ва



Тошкентга кўчирганлар. Хоразмликлар маҳаллий аҳоли билан аралашиб яшасаларда, ўзларининг асли урганчлик эканликларини эсдан чиқармаганлар ва атрофдаги аҳоли ҳам буни унутмаган. Хоразмдан кўчирилган юртдошлар бир-бирларини қўлаб-қувватлаш учун бир қавм бўлиб яшаганлар. Шу тариқа Ўрганжи (Урганжи) номли топонимлар пайдо бўлган. Бухоро вилоятининг Қорақўлдан бошқа туманларида ҳам Урганжи қишлоқлари, Бухоро шаҳрида Урганжиён маҳалласи бўлгани бунинг далилидир.

1926 йил маълумотларига кўра, ўзини урганчилар деб ҳисобловчи жами қорақўлликлар сони 390 кишини ташкил қилган.

Чағас – мазкур топоним ўзагида, бизнингча, **чага** – **чўл қуми** сўзи ётади, деган фикрдамиз. “С” товуши эса айрим қадимий туркий тилларда кўплик маъносини англатади. Ҳақиқатдан ҳам қишлоқнинг илгариги ўрни қумликдан иборат бўлган. Огаҳийнинг “Зубдат ут таворих” асарида Чакас қалъаси мавжудлиги қайд қилинган. Ушбу манбага таянган ҳолда қишлоқнинг ёши 2 асрдан ошган дейишга асос бор. Мазкур қалъа ва қишлоқ номининг боғлиқлигини аниқлаш кўп нарсага ойдинлик киритиши мумкин.

Шайх Даҳбоши – форс-тожикчадан таржима қилганда бу сўзлар **ўнбоши шайх** деган маънони билдиради.



Тахти Қир амлоки ва унга қирган қишлоқлар

Тахти Қир амлоки – Тахти Қир топоними форс-тожикчадан ўзбекчага **Қирнинг пасти**, таги деб таржима қилинади. Қоракўлдарёнинг мазкур амлок ерларига борувчи бир тармоғи Қобилота қирлари пастидан бошланади ва ҳозир у маҳаллий шевада асли бузилган ҳолда Тайқир деб талаффуз қилинади.

Оққўл – қишлоқ ёнида бир пайтлар суви қуриган, сиртини оқ туз босган кўл мавжуд бўлган. Қишлоқнинг номи ана асосда келиб чиққан.

Осиё – форсийдан таржима қилганда бу ном **Тегирмон**, арабийча эса **Шарқ** деган маънони англатади. Осиё топоними фақат Қоракўл воҳасига хос бўлмасдан, бундай жой номлари собиқ Бухоро амирлиги ҳудудида 5 мартадан ошиқ учрайди. Мазкур **Осиё** номли топонимларнинг милоднинг биринчи асри ўрталарида Марказий Осиё чўлларида, Каспий ва Орол денгизлари бўйларида кўчиб юрган ос (ас) қабилаларига бориб тақалиши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас. **Осиё** сўзи **ос** (аз) сўзининг сўғд тилидаги кўплик шакли бўлиши, тарихий ривожланиш натижасида уларнинг бошқа халқларга қўшилиб кетиб, ўз ўтмишларини хотирадан чиқарган бўлишлари мумкинлиги ҳақида баъзи олимлар анча далиллар келтиришган. Ҳозир ҳам айрим кишилар ўзларини ос уруғига мансуб деб билишади.

Байоти Калон – форсийдан сўзма-сўз таржимаси **Катта Баёт** демақдир. **Баёт** – қадимий туркий ўғиз уруғларидан бирининг номидир. Бу сўз бой, бадавлат деган маънони англатади. Бу уруғнинг ярим афсонавий келиб чиқиши қуйидагича: Мўғулхон, унинг ўғли Қорахон, унинг ўғли Ўғизхон, Ўғизхоннинг 6 нафари ўғли бўлган. Унинг тўнғич ўғли Кунхондан Баёт (Баётхон) тугилган. Бу уруғ вакиллари узоқ асрлар давомида Мўғулистон, Хитой,



Сибирь, Марказий Осиё дашту биёбонларида кўчманчи тарзида турмуш кечирган. 18-аср ўрталарида (1735-1750 йиллар ўрталарида) Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги сиёсий курашлар авж олган даврда бу уруғ вакиллари бир қисми Амударёнинг сўл соҳилидаги жойлардан ҳозирги яшаётган жойига кўчиб келган. Уларнинг бу ерга келиб қолишига сақарлар билан узоқ вақт давомида ер-сув учун олиб борилган курашлар ва низоларда енгилиб қолиш ҳам сабаб бўлган. Чаҳоржўй вилоятининг Барзанг ва Битик амлокларида, Бурдалиқ вилоятида (ҳозирги Лебап вилояти, Амударёнинг ўнг соҳили) Баёт, Жўйи Баёт қишлоқлари рўйхатга олинган.

1926 йилда ўзини баёт уруғига мансуб деб ҳисобловчи қоракўлликлар сони 1080 кишини, баҳринлар сони эса 75 кишини ташкил қилган.

Баётлар ўзбек ва туркман миллатларидан ташқари Эронда яшовчи қашқай элатининг шаклланишида ҳам иштирок этганлар. Қашқайлар таркибида баёт, қорабаёт уруғлари мавжуд.

Баётлар ўз тамғасига эга бўлишган, бу тамға ўзларига тегишли молларни ажратиб олиш учун қўйилган.

Баҳрин Байот – бу топоним икки этник ном – **баҳрин** ва **баёт** номлари асосида пайдо бўлган. Баҳрин ҳам баёт каби туркий ўғиз уруғларидан бирининг номи ҳисобланади. Бу уруғ вакиллари ҳам баётлар билан бир пайтда Қоракўл воҳасига кўчиб келишиб, ўтроклашиб қолган. Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида таяниб айтиладиган бўлса, баҳринлар Дашти Қипчоққа ўрнашган мўғул хони Бичин-қаённинг Бирин исмли ўғлининг наслидир. Баҳринлар 20-асрнинг бошларида Марказий Осиёда амалга оширилган миллий-худудий чегараланиш пайтида Ўзбекистондан ташқари ҳозирги Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, қисман Тожикистон худудларида тарқоқ ҳолда қолиб кетиб, ўзбек



туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ миллатларининг уюшувида иштирок этганлар ва улар таркибига сингиб кетганлар. Баҳринлар (баринлар) ҳозирги пайтда Монголиянинг асосий аҳолиси бўлган мўғул миллати таркибидаги этник гуруҳлардан бири ҳисобланади ва турмуш кечиришда ҳамда сўзлашувда муайян ўзига хосликларга эгадир. Бухоро амирлиги ҳудудида 15 дан ортиқ баҳрин топонимлари (яъни, баҳрин номли қишлоқлар) қайд қилинган.

Бўри Оллон – Зарафшон водийсида яшаган қипчоқларнинг таркибидаги этник гуруҳлардан (уруғлардан) бири бўри уруғи деб аталган. Қишлоқнинг номидан **бўри уруғи олган**, эгаллаган жой деган маъно англашилади.

Жумабозор – қишлоқда ҳар ҳафтанинг жума кунлари бозор бўлган. Қишлоқнинг номи шундан келиб чиққан.

Эски Суво – шахсий этно-лингвистик таҳлилларимизга кўра мазкур жой номи **эски** ҳамда қадимги туркий ва мўғул тилларида учровчи **суба - ер** сўзларидан ҳосил бўлган. Чунки Қорақўл шеvasида “**Б**” товушининг “**В**” ундошига, сўз охиридаги “**А**” унлисининг “**О**” унлисига алмашиб туриши одатдаги ҳолдир. Шу тариқа фонетик ўзгаришга учраган **суба – сувога** айланиб қолган деган фикрдамиз. Шундай қилиб, мазкур топонимнинг **Эски Ер** маъносини англатиши этно-лингвистик таҳлил талабларига мосдир.

Айни вақтда туркий халқлар мансуб бўлган айрим Олтой тилларида **Суво** сўзи **йўлнинг тугаш жойини** англатиши луғатларда қайд қилинган.

Манбаларга қараганда **Эски** номли ўғиз уруғи мавжуд бўлган. Жондор туманидаги **Эскиён** (эскилар) топоними билан боғлиқлик бўлиши керак.

Японияда, Янги Зеландияда, Австралия ва Фижи оролларида Суво номли шаҳарлар бор. Бу Суволарнинг **Эски Суво** билан алоқаси бор-йўқлиги ёки уларнинг шунчаки



тасодифий ўхшашлигини ўрганиш энди бошқа изланиш мавзусидир.

Эшакчи – қўнғирот қабиласининг вахтамғали уруғида шу номли кичик уруғ мавжуд бўлган. Шу кичик уруғ номи мазкур қишлоқ номининг келиб чиқишига сабаб бўлган. Чаҳоржўй вилоятининг Барзанг, Битик, Сақар амлоқларида ҳам шу уруғ номи асосида Эшакчи (Эшекчи) қишлоқлари вужудга келган. Менимча, мазкур уруғ номининг ва унга боғлиқ топонимларнинг келиб чиқиши эшак ҳайвонига мутлақо боғлиқ эмас. Бу топоним туркий **Эш** (ҳамроҳ, йўлдош) сўзига **-ак+чи** аффиксларининг қўшилишидан ҳосил бўлган ва у ҳамроҳлик қилувчи, йўлдошлик қилувчи деган маънони англатади. Тилимизда шунга ўхшаш мисоллар кўп: *эл+ак+чи=элакчи*; *тўш+ак=тўшак*; *тил+ак=тилак*; *бил+ак=билак*, *тув+ак+чи=тувакчи* ва ҳоказо. Шу сабабли мазкур қишлоқ номидан хунук маъно излаб изоҳлашга ва шу асосда унинг номини ўзгартиришга уриниш топонимика фани нуқтаи назаридан олганда тўғри эмас.

Калта чўлоқ – қишлоқнинг номи бировга лақаб тақаш асосида пайдо бўлган бўлса керак. Ўзбеклар таркибида **калтатой** қабиласи ҳам мавжуд бўлган. Мазкур топонимнинг келиб чиқиши калтатойга бориб тақалиши эҳтимолдан холи эмас.

Қассоб Байот – бу қишлоқнинг номи юқорида қайд қилинган баёт уруғига мансуб кишилар гуруҳининг касби билан боғлиқдир.

Қорабоғ – қишлоқнинг номи катта боғ ёки қора уруғига мансуб кишининг боғи деган маъноларни билдиради. 1926 йилда бу ном сарой қабиласига мансуб уруғ номи сифатида ҳам қайд қилинган. Шунга қараганда қишлоқнинг номи тарихи яхши ўрганилмаган уруғлардан бирининг номидан келиб чиққан дейиш мумкин. Қашқадарё, Хоразм вилоятларида, Тожикистонда, Эрон ва Озарбайжонда ҳам Қорабоғ номли аҳоли манзиллари бор. Қишлоққа яқин



худудда ҳазрати Юсуф Қорабоғий хобгоҳи ҳисобланувчи қабристон мавжуд.

Қизил қалъа – қишлоққа нисбатан қалъа сўзининг ишлатилишига қараганда, қишлоқнинг ўрнида бир замонлар кичик қўрғон, қасаба мавжуд бўлган. Қизил сўзи эса ободликни, фаровонликни билдиради.

Қирнишон – қишлоқ номининг келиб чиқиши, бизнингча, 16-асрга бориб тақалади. Ўша даврда, тадқиқотчиларнинг фикрича, Бухоро хонлиги худудида уч туркум аҳоли яшаган. Улар муқим яшаб деҳқончилик билан шуғулланувчилар – “**деҳнишин**”, ярим ўтроқликда кун кечирувчилар – “**қишлоқнишин**” ва кўчманчилар – “**сахронишин**” деб аталган. Шундан келиб чиқиладиган бўлса, қирларда яшовчилар “**қирнишин**” деб аталган бўлиши табиийдир. **Қирнишон** эса **қирнишин** сўзининг ёзувдаги ва талаффуздаги ўзгарган шаклидир.

Кисакли – арғин, қўнғирот қабилалари таркибидаги кичик этник гуруҳнинг номи мазкур қишлоққа ном бўлиб хизмат қилган. Бу уруғнинг бўлинган, кесилган қисми деган маънони билдиради. Демак, бундан **кисаклилар** тарихий ривожланишнинг қайсидир босқичида ўз асосий уруғидан қандайдир сабабларга кўра ажралиб чиққан, бўлиниб қолган деган маъно англашилади.

Кўли Хонақоҳ – қишлоқнинг номи Хонақо кўли деган маънони беради. Демакки, қачонлардир қишлоқ кўл ёнида пайдо бўлган, кўл соҳилида эса хонақоҳ қад кўтарган. Шайх ва дарвишлар зикру само қиладиган хона хонақоҳ деб аталади. Даставвал, хонақоҳлар дарвишлар, зиёратчиларнинг тунаши учун қурилган. Кейинчалик, қишлоқ масжидларининг намоз ўқиладиган, талабалар сабоқ оладиган хонаси ҳам хонақоҳ деб аталган. Бу ҳолатлар мазкур қишлоқ ўтмишда маълум диний нуфузга эга бўлганлигини кўрсатади.

Қумкашон – қишлоқнинг номи туркий “қум” ва форс-тожикча “**ташувчилар**” маъносини билдирувчи



“кашон” сўзлари бирикмасидан иборатдир. Бу қишлоқ аҳолисининг азалдан чўлдан кўчган қумлардан ерларни тозалаб, деҳқончилик қилганини англатади.

Кундали – туркий халқларда чодирнинг бир тури, форсий халқларда тарёк эзиладиган идиш кундали деб аталган. Кунда деганда дарахт тўнкаси ҳам тушунилади. Қишлоқ дарахтлари кесилиб, кундалари (тўнкалари) қолган жойда пайдо бўлган бўлиши мумкин. Аммо Бухоро амирлигининг собиқ ҳудудида 15 дан ортиқ Кунда сўзи билан боғлиқ жой номлари бўлганлигига қараганда, **кундали** тарихи яхши ўрганилмаган туркий уруғлардан бирининг номидир. Чунки фақат уруғ номлари билан боғлиқ топонимларгина жуда кўп қайта учрайди.

Мурғак – қишлоқнинг номи янги туғилган, янги пайдо бўлган деган маъноларни англатади. Жўйбор хўжаларининг Қоракўл воҳасидан мол-мулк сотиб олиш юзасидан 16-асрга мансуб вақф ҳужжатларида шу қишлоқдан чиққан мавлоно Қурбон Мурғакийнинг номи учрайди.

Мухтор Саййид Салим – қишлоқнинг номи антропоним, яъни ҳаёти шу қишлоқ номи билан боғлиқ бўлган таниқли киши номи асосида келиб чиққан. Ҳозирда қишлоқнинг номини қисқартириб, Мухтор деб аташади ва расмий ҳужжатларда шу шаклда қайд қилинмоқда.

Сўнғур – кўпгина туркий тилларда бу сўз **оққуш** (татар, бошқирд), **лочин** (қорачой, балқар) деган маъноларни беради. Амир Темурнинг фарзандларидан бирининг исми Бойсўнқур (Бойсўнғур) бўлган. Эски ўзбек тилида ҳам бу сўз **лочин** деган маънони билдиради. Лочин эса бу қишлоқни макон тутган туркий аҳолининг тотеми бўлган бўлиши керак. Бошқирдистонда ҳам Сўнғур қишлоғи бор.

Чаҳор Кундали - сўзма-сўз таржима қилсак бу топоним тўрт чодир тикилган қишлоқ ёки тўртта тўнка бор қишлоқ деган маънони беради (*Кундали* топонимининг изоҳига қаранг).



Шерқишлоқ – қишлоқнинг асл номи Ширқишлоқ (шир – сут) бўлиши керак. Аҳолининг чорвадорлик билан шуғулангани бизни шу фикрга келишга ундамоқда.

* * *

Човдур – қишлоқнинг номи этник ном асосида келиб чиққан, яъни шу номли уруғ (чоудур, чаудор, чаудур, чавдур) ўғиз қабилалари таркибида мавжуд бўлган. Човдур сўзи бир манбада **яхши**, **олижаноб**, бошқа манбада эса **кўчманчи чорвадор** деган маънони англатиши кўрсатилган. Човдурларнинг бир қисми 17 аср охирида Қорақўл воҳасига кўчиб келиб, ҳозирги жойларида қўним топганлар. Мунис Хоразмий ва Огаҳийнинг 1825 йилгача Хоразм ва Бухородаги воқеалар, икки салтанат ўртасидаги курашлар тарихи ақс этган “Фирдавс ул-иқбол” асарида човдур уруғининг номи кўп марта тилга олинади. Мазкур асарда ёзилишича, човдурлар асосан Хива хонлиги қўшинлари тузилмасида муҳим ўрин тутганлар ҳамда Хива хонлари ва Бухоро амирлари қўшинлари ўртасидаги жангларда қатнашганлар. Човдурлар тарихий ривожланиш натижасида ўзбек, туркман ва озарбайжон миллатлари таркибига қўшилиб кетган.

Томчиғ – катта қишлоқлардан бири. Уни маҳаллий аҳоли Томчиғ ва Томжиғ шаклида талаффуз қилишади. Қишлоқ номининг “Томи чиғдан, қамишдан ёпилган” маъносини англатувчи Томчиғ шакли тўғри бўлса керак деб ўйлаймиз. Чунки Томжиғда бир аниқ маъно кўрганимиз йўқ.

Солур – ҳозирда ёнидаги қишлоққа қўшилиб кетган кичик қишлоқча. 68-бетдаги Солур сўзининг изоҳига қаранг.



Ариқлар бўйича қишлоқларнинг тарихан жойлашиши

Наҳри Зайнаддин – Зайнаддин ариғи

Олимлар – қишлоқ номига асос бўлган деб тахмин қилинувчи араб тилидан ўзлашган **олим** сўзининг бугунги кунда биз ишлатишган кўниккан илмий тадқиқот олиб борувчи шахс маъносидан ташқари шунчаки **билимдон, зукко, ақлли киши** деган маъноси ҳам бор. Лекин араб тилида очик **О** товушининг йўқлигини инобатга олсак, қишлоқнинг номи аслида **Али:м** сўзидан келиб чиққанлиги мантиқий тўғрироқдир. **Али:м** сўзи **алам чеккан, азоб кўрган одамлар** деган маънони англатади. Бу ном қишлоқ аҳлининг ўтмишдаги оғир ҳаётига ишора сифатида пайдо бўлган деб ўйлаймиз, қолаверса бу қишлоқдан бирор олим чиққанлиги ҳақида манбаларда бирор маълумот йўқ.

Бобо Исомий – воҳадаги қадимий қишлоқлардан биридир. Қишлоқдаги Бобо Исомий номли авлиё номи билан аталувчи қабристонда ул зотнинг мўъжаз мақбараси ва қабри бор. Афсуски, ҳозирча тарихий манбалардан бу инсоннинг кимлигига ва фаолиятига аниқлик киритувчи ишончли далилларни тополмадик. Фақат 15 асрда шу номга ўхшаш исмли атоқли хоразмлик шоирнинг болалик йиллари ва умрининг сўнгги йиллари Қоракўлда ўтганлиги ва Қоракўл тупроғига дафн қилинганлиги аниқ. У зотнинг муборак исм-шарифи Мавлоно Ҳусомий-Қоракўлийдир. Ҳисомийнинг форсий ва туркий девонлари, мусиқа илмига оид битта рисоласи мавжуд бўлган. У ўз замонасида шунчалар машҳур бўлганки, унинг ғазалларини бутун Мовароуннаҳрда мусиқага солиб куйлашган. Уни машҳур алломаи замон Хўжа Аҳрори Валий Самарқандга ўз ёнига олиб кетган. Ҳисомий умрининг сўнгги кунларини Қоракўлда ўтказган. Ҳатто Алишер Навоий назарига



тушган Ҳусомийнинг хоки ётган қабристонни муаррихлар “Чўкурдум Ота” (Чибирдон ота) дейишади. Эҳтимол, тарих битган зотлар хато қилишгандир ёки Ҳусомий умрининг сўнги йилларини шу қишлоқда ўтказгандир, ном шундан келиб чиққандир.

Даббакий – аслида **Даббоки** бўлиши керак, форстожикчадан ўзбекчага ўгирганда, қишлоқнинг номи **Тери ошловчилар** деган маънони билдиради. Ўтмишда тери ошловчилик қишлоқ аҳолисининг асосий касби бўлганки, бу ном тасодифий пайдо бўлмаган.

Зайнаддин – қишлоқнинг ва ариқнинг номи антропоним, яъни кишининг номи асосида келиб чиққан. Мазкур қишлоқнинг номи биз кўрган манбаларда биринчи марта Жўйбор хўжаларининг вақф ҳужжатларида хижрий 979 йил (мелодий 1571/72 йил) раби ул-аввал ойининг 22 куни санаси билан қайд қилинган. Демак, мазкур қишлоқ салкам 450 йилдан бери шу ном билан аталмоқда.

Этикчи – қишлоқ аҳолисининг асосий касби этикдўзликдан, пойабзал тикишдан иборат бўлган. Шу асосда қишлоқнинг номи пайдо бўлганлиги мантиққа мосдир.

Кўпаст – ҳозирда айнан шу номли қишлоқ Қорақўлда мавжуд эмас. Аммо қишлоқларнинг жойлашишидан келиб чиққан ҳолда **Кўпаст** ҳозирда **Гуппос** деб аталадиган қишлоқнинг эски номи дейиш мумкин. Гуппос номи баъзилар говбоз – сигир-бузоқ боқишни яхши кўрувчи кишилар деган маъноси борлигини таъкидлашади. Бизнингча, қишлоқнинг Зайнаддин ариғининг оёғида (адоғида) жойлашганлигидан келиб чиққан ҳолда, топоним **Кўпаст** сўзининг маълум фонетик ўзгаришга учраши натижасида пайдо бўлган дейиш мумкин. Қадимги туркий тилда ва биз кундалик оғзаки сўзлашувда ишлатадиган кўча-кўй бирикмасидаги **кўй** сўзи кўча, қишлоқ маъносини англатади. “Й” ёки “Х” товушининг айрим



сўзлар талаффузида тушиб қолиши тилимиздаги табиий ҳолдир. Демак, **Кўнаст** топоними куйи қишлоқ, пастдаги қишлоқ маъносини билдириши англашилади. Қолаверса, қишлоқда Занги Отанинг тўрт машҳур халифасидан бири бўлмиш сўфий аллома Узун Ҳасан Атога нисбат берилувчи қабристон мавжудлигига қараганда, қишлоқ ўтмишда маълум нуфузга эга бўлган. Ўтмишда қишлоқ ёнида Гадоёллар деб аталувчи қишлоқча ҳам мавжуд бўлиб, у ҳозирда Кўнастга (Гуппосга) қўшилиб кетган.

Лакки – бу ном **сергап**, **кўнгилхушликни яхши кўрувчи одамлар** деган маънони билдиради. 1925 йилдаги рўйхатга олиш (“Список населенных мест Зерафшанской области.1925”, Ташкент, ЦСУ) пайтида қишлоқнинг номи Лаккилар шаклида қайд қилинган. Бу ҳолат қишлоқнинг номи кичик уруғ номига бориб тақалишига ишора қилади. Доғистонда **лак** элати, Туркияда, Қримда, Озарбайжонда Лакки (Лаки) деган жой номлари мавжуд. Агар тадқиқотлар чуқурлаштирилса, бу номлар ўртасидаги боғлиқлик аниқланиши мумкин. Қолаверса, шахсий архивимиздаги хижрий 1186, милодий 1772 йил санаси билан қайд этилган қозилик ҳужжатида Лакки номини эслатувчи Лакзар деган жойнинг номи шу ерда яшовчи қавм аҳли ўртасида чиққан бир низо туфайли эсланади. Унда қуйидагича ёзилган: “Қавму айматул ислом, разияллоху анхум, яъни ислом уламолари аҳкомларига биноан, шу ҳақдаким, Лакзар қишлоғи масжидининг ери вақфлар дафтарида шариатга биноан қайд этилган. Ушбу масжиднинг мутаваллийлари 33 йил, балки ундан ҳам кўпроқ вақт мобайнида масжидни бошқариб келганлар. Тақдир тақозоси билан Лакзар қишлоғи аҳолиси мазкур масжид мутаваллийсига масжид ерининг хирож тўланадиган ер эканлигини даъво этиб, ўша хирожни талаб қилганлар. Аҳвол шундайки, ушбу жамоанинг даъвоси ботил ва асоссиздир.



Козининг мухри: Атоуллоҳ бин Муҳаммад Ҳодий валлоҳу таоло аълам, 1186”. (Н.Жабборов таржимаси). Шунингдек, ушбу қишлоқ аҳли аризасининг ўнг томонида “Қуръонга даъвогарлик қилиш кўриб чиқилмайди”, деган фатво келган. Фикримизча, қози бу билан “Қуръон Оллоҳнинг сўзи бўлса, масжид эса унинг уйи” эканлигини яна бир бор эслатиб, буни унутмасликка даъват қиляпти.

Лакки топоними Лакзар сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шакли ҳам бўлиши мумкин фикрдамиз.

Мирхўжа – қишлоқнинг номи антропоним, яъни киши номи асосида пайдо бўлганлиги ҳақидаги фикр мантиқлидир. Лекин Мир деган исм алоҳида мустақил исм сифатида учрамайди, у Амир исмининг қисқарган шаклидир. Шундай бўлса, қишлоқнинг тўғри номи Амирхўжа бўлиши керак.

Тожик – қишлоқнинг номи бу ерда бир пайтлар тожик тилида сўзлашувчи аҳоли яшаганлигини кўрсатади. Ҳатто ўтган асрнинг 20 йилларида тайёрланган Қоракўл воҳасининг этнографик харитасида воҳада 2 жойда тожиклар яшаганлиги қайд қилинган. Шулардан бири мазкур қишлоқ бўлиши керак. Ҳозирда бу қишлоқ ёндаги қишлоқларга қўшилиб, аҳолиси ўзбеклар билан аралашиб кетган. Афсуски, бир аср ичида одамлар бу номни унутиб юборишган ва қанча суриштирмайлик, бу номли қишлоқ қаерда бўлганлигини ҳозирча аниқлай олмадик.

Урганжи – 14-бетдаги *Ўрганжи* номининг изоҳига қаранг.

Чармгар – чарм тайёрловчи демакдир. Қишлоқ аҳолисининг асосий қисми бу машғулот билан шуғулланган. Бу топоним шу туфайли келиб чиққанлиги ҳақиқатдир.

Чигатой – 36-бетдаги *Чағатой* номининг изоҳига қаранг.



Наҳри Зиёрат – Зиёрат ариғи

Бандбоши – қишлоқ Қоракўлдарё бир неча ариққа бўлинадиган тўғоннинг – банднинг бошида жойлашган. Шу туфайли мазкур ном пайдо бўлган.

Ғозибек – қишлоқнинг номи антропоним, яъни киши номи асосида ҳосил бўлган. Ғозибек шу қишлоққа узоқ йиллар аминлик қилган кишининг исмидир.

Якка Аълам – сўзма-сўз изоҳланса, қишлоқнинг номи **якка байроқ** деган маънони билдиради. Лекин аълам сўзининг билгич, **билағон**, **билимдон** деган маънолари ҳам бор. Бухоро амирлигида шариат қонун-қоидаларини, арконларини яхши билган киши аъламликка тайинланган, Аълам Бухородаги 14 муфтига раҳбарлик қилган. Муфтилар тузган фатвога аълам муҳр босгач, кучга кирган ва қозилар ўша ҳужжат асосида ҳукм чиқарган. Шу қишлоқдан якка (битта) аъламнинг етишиб чиққанлиги ва шу сабабли бу маскан **Якка Аълам** деб аталиши эҳтимолдан холи эмас.

Қарға – 12-13 асрларда Қоракўл воҳасига кўчиб келган кўнғиротлар таркибида кичик қарға уруғи, 14 асрда Қоракўлга Амир Темур томонидан кўчирилган жалойирлар таркибида ҳам кичик қарға ёки қарғали уруғи мавжуд бўлганлиги кўп тарихий манбаларда қайд қилинган. Тарихий ривожланиш шароитида кишилар ўзларининг мазкур уруғга мансублиklarини унутишган. Уруғнинг қарға деб аталиши эса, туркий халқларда қадимда мавжуд бўлган тотемистик тасаввурлар, яъни у ёки бу ҳайвонга сиғиниш, уларни ўз уруғининг раҳнамоси деб билиш тушунчалари билан боғлиқдир. Собиқ Бухоро амирлиги ҳудудида 7 та қарға сўзи билан боғлиқ топонимлар қайд этилган.

1774 йил октябрь ойида Қоракўл қозиси чиқарган қўлимизда нусхаси сақланаётган бир ажримда Қарға қишлоғи номи маҳалла, мавзе сифатида бир неча марта



қайд қилинган. Бундан қишлоқнинг салкам 250 йилдан бери шу ном остида мавжуд бўлганлиги англашилади.

Маҳаллайи Шейхон – арабча ва форсча-тожикча сўзлар бирикмасидан иборат бўлган бу қишлоқнинг номи-ни **Шайхлар маҳалласи** деб сўзма-сўз таржима қилиш, бундан кейинги минг йиллик тарихнинг қайсидир палласида бу қишлоқда шайх мақомига эришган инсонлар қўним топган, яшаган, умргузаронлик қилган, деб бир хулоса чиқариш мумкин. Шу ўринда Аликахўжа қишлоғида яшовчи Чорихўжа Нуриддинов қўлида сақланаётган шайхлар силсиласи ҳақидаги 1747 йил сентябрь ойида тузилган ҳужжатни чуқурроқ ўрганиш бу қишлоқ номи-нинг келиб чиқиш сабабини аниқлашга ёрдам берса ажаб эмас.. Мазкур ҳужжатда 16-18-асрларда Қоракўлда яшаб ўтган 18 та шайхнинг номи қайд қилинган: Шайх Ҳусайн Қарокўлий, Шайх Ибодуллоҳ Қарокўлий, Шайх Надр Муҳаммад Қарокўлий, Шайх Рукниддин Қарокўлий, Шайх Ниёз Муҳаммад, Шайх Муҳаммад Боқи Қарокўлий, Шайх Мулла Муҳаммад амин Кўзкўк Атойи, Шайх Мир Боқи Қабул Атойи ва ҳоказо. Номлари зикр қилинган шайхларнинг бир нечаси шу қишлоқдан бўлиши ҳақиқатга яқиндир.

Шайх сўзининг араб тилида **хўжа**, **хўжайин**, **қари чол** деган маънолари ҳам борлигига ҳам эътибор қаратиш зиён қилмайди.

1926 йилда Қоракўлда яшовчи 180 киши ўзини этник гуруҳ – шайхлар сифатида қайд қилдирган, аслида бу илмий ҳақиқатга зиддир, ваҳоланки шайхлик диний мартабадир.

Юқорида қайд қилинган 1774 йил октябрь ойида Қоракўл қозиси чиқарган ажримда Маҳаллайи Шейхон (аниқроғи, Шайхон) қишлоғи номи маҳалла, мавзе сифатида бир неча марта акс этган. Бу қишлоқнинг салкам 250 йилдан бери шу ном остида мавжуд бўлганлигини



тасдиқлайди.

Мурўк – бугунги кунда мазкур қишлоқ аҳолиси ўз қишлоғи номини **Муррук** тарзида, яъни **сўлиган**, **қуриган** маъносида талаффуз қилишади. Шу қишлоқда туғилиб ўсган таниқли медик-олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдурашид Ҳамроевнинг айтишича, қишлоқ аҳолиси илгари қосибчилик билан шуғулланган, қишлоқда узоқ умр кўриб мурриган – сўлиган кишилар бошқа қишлоқларга нисбатан кўп бўлган. Қишлоқ номи шундан келиб чиққанмиш. Ақли ноқисимизча, қишлоқ номининг бошқа маъноси ҳам бўлиши керак.

Риг-и Ҳайдар – қишлоқнинг номини ўзбекчага ўгирсак, Ҳайдарнинг куми, ери деган маъно келиб чиқади. Хулоса қилиб айтганда, бу ерлар бир пайтлар Ҳайдар исмли кишига мансуб бўлган.

Роҳат – қишлоқ номи роҳат-фароғат, обод жой деган маънони беради.

Роҳати боло – сўзма-сўз таржима қилинса, Юқори Роҳат демақдир.

Роҳати поён – сўзма-сўз таржима қилинса, Қуйи Роҳат демақдир. Лекин бошқа тарихий ҳужжатларда (васиқаларда) бу уч қишлоқнинг номи Робот, Роботи Боло, Роботи Поён шаклида ҳам учрайди. Аслида шуниси тўғри бўлиши, яъни бу қишлоқлар Робот, Юқори Робот, Қуйи Робот деб аталиши керак. Чунки Роҳатга ўхшаган сўз билан жой номининг ясалиши деярли учрамайди, лекин Робот сўзи билан ясалган жой номларига ўнлаб марта дуч келиш мумкин.

Ҳожағони Ғарўк – таржимаси **Ғарўк хўжалари**, яъни **Ғарўк шахридан келган, ғарўклик хўжалар** демақдир. Ғарўк эса Эроннинг Кирмон ва Шероз вилоятлари ўртасидаги шаҳардир. Демак, бу қишлоқ хўжалари аجدодларининг қайсидир замонда (эҳтимол, даъватчилик, ғайридинлар ва динсизларни мусулмончиликка киритиш маънавий авж олган 11-13-асрларда) ислом дини асосларини тарқатиш учун



қадимий Эрондан бу жойларга келиб қолган ва шу тариқа ушбу топоним ҳосил бўлган. Лекин бу қишлоқни топиш борасидаги уринишларимиз ҳам бекор кетди. Фақат биз излаган қишлоқ номининг бошланиш қисмини эслатувчи Хўжайкон номли қишлоқ борлигини қайд қилдик.

Шоғол – қишлоқнинг номи этник ном асосида келиб чиққанлиги ҳақиқатга яқиндир. Ўрта асрларда Қоракўл воҳасига оммавий кўчиб келган қўнғирот қабиласи таркибида шоғол (шағал) уруғи қайд қилинган. Шоғоллар анча илгари уруғ-қабилачилик муносабатларини унутишган ва ўзбек элатининг, кейинроқ эса ўзбек ва туркман миллатларининг шаклланишида иштирок этган. Шу сабабли қишлоқ номидан нохушроқ маъно излаш ва уни номини ўзгартиришга уриниш тўғри ҳаракат эмас, деб ўйлаймиз.

Шарофбек – бу қишлоқнинг номи ҳам антропоним асосида пайдо бўлган деган фикрдамиз. Шарофбек исмли киши шу қишлоқдан чиққан энг нуфузли аслзодаларнинг бири бўлган.

Зиёрат – қишлоғининг номининг келиб чиқиши **тавоф қилиш, сажда қилиш** маъносидаги **зиёрат** сўзига эмас, балки экин экиладиган ерлар маъносини билдирувчи **зиръоат** сўзига бориб тақалиши илмий ҳақиқатга яқинроқдир. Чунки бу атрофга кўчиб келиб, ўрнашиб қолган ўзининг аждодларини араб ҳисобловчи уруғлар вакиллари асосан азалий касблари – чорвадорлик, мол боқиш билан шуғулланганлар. Улардан қуйида эса маҳаллий аҳоли **экин экиладиган ерларда – зиръоатда** деҳқончилик билан шуғулланганлар. Зиёрат ариғининг номи номи биз кўрган манбаларда биринчи марта Жўйбор хўжаларининг вақф ҳужжатларида хижрий 979 йил (мелодий 1571/72 йил) рабиул-аввал ойининг 22 куни санаси билан қайд қилинган. Демак, бу ариқдан камида 450 йилдан бери сув оқмоқда.

Бу топоним билан боғлиқ яна бир эътиборли ҳужжат Бухоро ҳукмдори Амир Насруллоҳнинг имзоси ва муҳри



билан тасдиқланган қуйидаги ҳужжатдир: “Хукмномаи Амир Насруллоҳ, Хукми олий содир бўлдики, Қорақўл вилоятидаги Зиёрат ариғи бўйларида жойлашган ва Абдурахим мирзога тегишли тахминан 100 танобдан иборат даҳяқ ер юқорида исми шарифи зикр этилган Абдурахим мирзога тегишли деб билсинлар ва олий хукмга биноан унинг мулки деб билсинлар. Солиқ йиғувчилар ва доруғалар унга дахл қилмасинлар ва олиқ-солиқ хусусида аралашмасинлар; мазкур олий хукм асосида иш юритсинлар.

Ҳижрий 1242 йил зулҳижжа ойида (*мелодий 1827 йил 14 июнь-12 июль ораси*) ёзилди”.

Боканда – қишлоқнинг асл номи **Боғи Канда** бўлиб, форсча-тожикчадан таржима қилганда **охирги, четдаги боғ; қуритилган, вайрон қилинган боғ** деган маъноларни англатади. Қишлоқнинг номи мўғулларнинг оёғи воҳага етишидан аввал пайдо бўлган фикрдамиз. Бу қишлоқ аҳолисининг ташқи қиёфасидаги (антропологиясидаги) ўзига хосликлар бизда шундай мулоҳаза уйғотди.

Миршикор – сўзма-сўз таржимада ов амири, хукмдорларнинг овини ташкил этувчи маънони билдиради. Лекин шу номли уруғ ҳам мавжуд бўлиб, Миршикор номли топонимлар собиқ Бухоро амирлиги ҳудудида 15 мартадан кўп учрайди. Ўзбеклашган тожиклардан бир қисми ўзини миршикор деб ҳисоблаган. Ҳозирги Миршикор қишлоғи учта кичик қишлоқчани ўзига бирлаштирган.

Найистон – маъноси **қамишзор** демакдир. Бундан қишлоқ қамишзорлар, тўқайлар ўрнида барпо этилганлиги англашилади.

Кўйдим – бадавий арабларнинг авлодлари яшовчи мазкур қишлоқнинг номи эски туркий ва форсий тилдаги **кўча, қишлоқ** маъносини англатувчи **кўй** ҳамда **иссиқ, камҳаво** маъносидаги **дим** сўзларидан ясалган. Форсий изофа билан ёзганда қишлоқнинг тўғри номи **Кўйи дим** бўлиши керак.



Наҳри Мўғул – Мўғул ариғи

Олот – ҳозирда туманга бўйсунувчи шаҳар ҳисобланувчи бу топонимнинг (Олот) келиб чиқиши ўзбеклашган мўғул уруғларидан бири бўлмиш арлот уруғи номинингфонетик ўзгариши натижасидир. Арлот сўзи уруғ номи маъносида қадимий ёзма манбаларда, хусусан Рашидиддиннинг “Жоме- ат-таворих”, Мирхондрнинг “Равзат ус-сафо”, Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Ҳофиз Тиниш Бухорийнинг “Абдулланнома” асарларида кўп марта тилга олинган.

Топоним сифатида Олот номи Огаҳийнинг “Зубдату-т-таворих” асарида Хива хони ва Бухоро амирлиги ўртасидаги муҳорибалар баёнида биринчи марта қайд қилинган.

Марҳум тарихчи олим Шодмон Камолов Олотнинг қадимги номи Қумработ бўлганлигини ўз вақтида ёзиб қолдирган эди.

Мўғулистон арлотларнинг азалий ватани ҳисобланади. Муаррих Рашидиддиннинг ёзишича, Арлот тарихий шахс номи бўлган ва қабила шу кишидан ном олган. Абулғози Баҳодирхон ёзиб қолдирган маълумотларга таянадиган бўлсак, **арлот** сўзи **отанинг севикли ўғли**, деган маънони билдиради, деб айтиш мумкин.

13 асрнинг биринчи чорагида арлотларнинг бир қисми Чингизхоннинг Моваруоннаҳрга юришлари пайтида келиб, ўрнашиб қолган. Аста-секин маҳаллий аҳоли билан аралашиб, бир қисми эски ўзбек тилини (чиғатой тилини), бошқаси ўғиз тилини кундалик муомала учун қабул қилган, ўз тилларини унутган. Шу сабабли олотликларнинг шеvasида ўғиз лаҳжаси унсурлари учрашига қараб, уларни туркманларнинг авлоди деб талқин қилиш ноил-мий, мантиқсиз ҳолатдир.



Кейинчалик арлотларнинг бир гуруҳи соҳибқирон Амир Темурга садоқат билан хизмат қилган, унинг ҳарбий юришларида иштирок этган. Тарихдан маълумки, ўзига садоқат билан хизмат кўрсатиб, баҳодирлик намуналарини кўрсатган уруғларга ёки уларнинг етакчиларига хукмдорлар инъом сифатида деҳқончилик ва чорвадорлик қилиш учун маълум ерларни беришган. Бизнингча, арлот (оллот, олот) уруғи вакиллари ҳам ана шундай марҳаматдан бебаҳра қолишмаган.

Бухоро вилоятининг Жондор ва Бухоро туманларида, қардош Озарбайжон Республикасида ҳам шу уруғ номи билан боғлиқ этнотопонимлар мавжуд. Қизиқарли томони шундаки, олис Испаниянинг Каталония вилоятида аҳолиси салкам 40 минг кишидан иборат бўлган Олот номли шаҳар бор. Олот қабиласи аъзоларининг бир қисми тақдир тақозоси билан бу ўлкага бориб қолган бўлиши ва шу туфайли мазкур топоним келиб чиққан бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Бастом – қишлоқ номига асос бўлган бу сўз фортожик тилида дахлсиз ер, мулк деган маънони англатиши луғатларда битилган. Бу ҳудудда яшаган инсон ҳам дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланган. Қишлоқда ўтмишда шоҳ-у амалдорларнинг эътиборига сазовор инсон яшаганлигидан шу ном келиб чиққан бўлиши ҳақиқатга яқиндир. Эронда ҳам Бастом ва бу топоним номини эслатувчи Бистом деган жойлар мавжуд, Бистомда машҳур аллома Боязид Бистомий таваллуд топган. Ҳар икки ҳудуддаги Бастом топонимларининг келиб чиқиши ўртасида қандайдир боғлиқлик бўлиши керак деб ўйлаймиз. 16-19-асрлардаги туронликлар ва эронликлар ўртасидаги муҳорибалар натижасида Эрондаги кўплаб қишлоқу кентлар аҳолиси ёппасига Хоразм ва Бухоро ҳудудларига кўчириб келтирилгани, уларнинг асосий қисми турли сабабларга кўра шу ерда турғунлашиб қолганлиги тўғрисида

тарихда кўплаб гувоҳликлар мавжуд. Кўчирилган аҳоли янги манзилгоҳларини кўп ҳолларда ўзларининг азалий кичик ватанларининг номи билан аташган.

Галабек – бу ном ўз-ўзидан мазкур қишлоқда беклик мартабасига эга бўлган кўплаб арбоблар етишиб чиққанлиги ва яшаганлигига ишора қилади. Топонимнинг номи айнан шу маънони англатади. Галабек номли қишлоқ Хатирчи туманида ҳам мавжуд. Фикримизча, бири-биридан олисдаги икки қишлоқнинг бир хил ном билан аталишига қараганда, галабек кичик этник гкруҳлардан бирининг номи ҳам бўлиши мумкин

Қаровул – мўғул армиясидаги тузилмалардан бири бўлиб, хон қароргоҳини қўриқлаш унинг хизмат вазифасига кирган. Амир Темурнинг ўн икки минг ва қирқ минг кишилиқ кўшинининг жанговар тартибида қаровул (қоровул – илғор соқчилар, авангард) кўшиннинг энг олдидан жой олган. Ўша пайтда ҳар бир ҳудуднинг аҳолиси орасидан ўзининг доимий касб-корига, маҳоратига кўра Амир Темурнинг тавочилари томонидан жангчилар саралаб олинган. Қоровуллик хизматиغا бориш эса бу қишлоқ йигитларининг зиммасига тушган, баъзан эса ярадор бўлган бошқа юртлиқ қаровул йигитлар шу қишлоқда қолдирилган. Қишлоқнинг номи шу асосда пайдо бўлган. Қаровул сўзи билан боғлиқ топонимлар собиқ Бухоро амирлиги ҳудудида 20 мартадан кўп қайд қилинган.

Кўмирчи – айтишларича, қишлоқ эркаклари чўлда ўсувчи қарағонни (сақсовулни) ўтда куйдириб, писта кўмир тайёрлашган ва уни ҳатто Бухоро бозорларига элтиб сотишган. Бу топонимнинг келиб чиқиши қишлоқ аҳлининг ана шу фаолияти билан боғлиқлиги мантиқий мазмунга эгадир.

Кўпак кўли – манбаларда ўғизлар таркибидаги гўклан қабиласига кирувчи кўпак уруғи мавжуд бўлганлиги қайд қилинган. Кўпак уруғи вакиллари шу ердаги қуриётган



кўл соҳилини манзил-маконга айлантиргандан кейин мазкур топоним вужудга келган. Хоразм вилоятида ҳам ушбу уруғ билан боғлиқ этнотопоним учрайди. Зиёуддин вилоятининг Учуруқ амлокида Кўпакҳо (Кўпаклар), Чаҳоржўй вилоятининг Дарйо Боши амлокида Кўпак Чорйоқ ва Жўйи Кўпак қишлоқлари қайд қилинган. Бу кўпакларнинг тарқалиш ҳудуди ҳақида маълумот беради.

Муй Тоб – қишлоқ номининг келиб чиқиши мазкур қишлоқ аҳолисининг касб-корига боғлиқдир. Бу топоним форс-тожикчадан ўзбек тилига ўгирилганда **жунга ишлов берувчилар** даган маънони англатади. Қишлоқда яшаб ўтган Исмоилхўжа исмли кишининг неваралари бўлмиш Яхёхўжа ва Отабек Исмоиловларда сақланаётган Аштархонийлар даврига оид ҳужжатларга кўра бу қишлоқ камида 300 йилдан ошиқ вақтлан бери шу ном остида мавжуддир.

Рўдахўр – қишлоқнинг номи қишлоқ аҳолисининг машғулоти, касбидан келиб чиққан. Ичак тозалаб, уни турли мақсадларда сотувчилар **рўдахўр** деб аталган. Одатда қишлоқ аҳолиси ичакдан ғалвир бўқиб сотишган.

Тожиканд – ҳозир бу қишлоқ расмий ҳужжатларда **Тожикент** деб аталади. Бизнингча, қишлоқ номини ёзишда ва оғзаки талаффузда битта “К” товуши тушиб қолган. Бунақа лисоний ҳодиса ҳамма тилларда кўп учрайди. ўзбек тили ҳам бундан мустасно эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда қишлоқнинг ҳақиқий тўғри номини **Тожиканд** – **Тожикент**, яъни **Тожиклар қишлоғи** деб талқин қилиш мумкин. Яқин пайтларгача Тожиканд ва Қоракўл қалъаси ўртасидаги ерлар Эрони Ёвон – Эронликлар Даласи деб аталганлигини фикримизга қўшимча далил сифатида келтирмоқчимиз. Қишлоқда эрони қавмига мансуб кишилар яшаганлигини маҳаллий аҳоли вакиллари доимо тасдиқлашади. Айни вақтда Қоракўл воҳасининг ўтган асрнинг 20-йилларига оид этнографик харитасида



жойи аниқ кўрсатилмаган ҳолда икки жойда тожик тилида сўзловчи аҳоли яшаганлиги қайд қилинган. Эҳтимол, Тожикистон ўша қишлоқларнинг биридир.

Хожағони боло – ўтган асрнинг 30 йилларидан бошлаб Юқори Бозорхўжа деб аталган қишлоқнинг номи. Маъноси Юқори Хўжалар демакдир.

Хожағони поён – ўтган асрнинг 30 йилларидан бошлаб Қуйи Бозорхўжа деб аталган қишлоқнинг номи. Маъноси Қуйи Хўжалар демакдир.

Чағатой – бу топоним 16 аср охирида Бухоро аҳолисининг чиғатой ва тожикка бўлиниши натижасида пайдо бўлган. Маҳаллий туркий аҳоли, ҳозирги ўзбекларнинг бир қисми ва тожикларнинг муайян қисми ўша пайтда Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатойхонга нисбат берилиб, чиғатойлар деб аталган. Яъни аҳолининг маълум бўлаги ўзини чиғатой этник гуруҳига мансуб деб билган.

Чиғатойлар деганда кенг маънода Чиғатой улусига кирган барча аҳоли тушунилган.

1926 йилдаги районлаштириш бўйича маълумотларга кўра, Қорақўл воҳасидаги чиғатойлар сони 565 кишидан иборат бўлган.

Туркий ва форс-тожик тилларида гаплашувчи чиғатойлар алоҳида этник бирлик сифатида ҳозир ҳам Афғонистон ва Покистонда яшашади.

Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ва қўшни Тожикистонда Чиғатой, Чағатой номли кўплаб топонимлар мавжуд.

Чигирчи – қишлоқ номининг келиб чиқиши жуда аниқ эмас. Қишлоқнинг номи ҳозирги расмий ҳужжатларда аҳолининг оғзаки талаффузига монанд Чекирчи деб юритилмоқда. Шуниси аниқки, у қишлоқ аҳолисининг касби билан боғлиқдир. Ўғиз лаҳжасида ямоқчини чекирчи дейишади. Агар эски ҳужжатга таянадиган бўлсак



қишлоқнинг асл тўғри номи Чигирчи-Чиғирчи – чиғир ясовчилар қишлоғи деб аталиши ҳақиқатга яқин бўлади.

Лайлак – қишлоқнинг номи туркий халқларда улар мусулмончиликни қабул қилишгача мавжуд бўлган тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ ҳолда вужудга келган. Туркий уруғлар ўтмишда у ёки бу ҳайвонни ўз уруғининг раҳнамоси, бало-қазодан асровчиси деб билган. Қирғизистонда Лайлак тумани мавжуд.

Совунчи – ҳозирда Қоракўл шаҳрига қўшилиб кетган Уйғурдарёнинг сўл соҳилидаги қишлоқ. Қишлоқ аҳлининг касби совунчилик бўлган, бундан шу қишлоқ номи келиб чиққан.

Аминлар – қишлоқнинг аталиши бу қишлоқдан ўтмишда кўплаб аминлар етишиб чиққанлигини кўрсатади. Қоракўлда қишлоқ оқсоқоли амин деб аталган ва у кўпинча қишлоқ аҳли томонидан сайланган, қози тасдиқлагандан кейин сайлов қарори кучга кирган.



Наҳри Сўксўк маъа даури Кўргон – Сўксўк ариғи

Адҳам – қишлоқнинг номи антропоним асосида келиб чиққан деган тахминий фикр бор. Лекин адҳам сўзи арабчада қора от, танасида қора доғи бор бола; кадр-қиммат, бойлик маъноларини билдиради. Маҳаллий аҳоли қишлоқ номини Атамм шаклида талаффуз қилади. Агар шу талаффуз шакли тўғри деб қабул қилинадиган бўлса, у ҳолда қишлоқнинг номи араб-форс шеваларида **ҳаммадан кўра расо, обод жой** деган маънони англатади. Қишлоқ аҳолисининг келиб чиқиши эроний қавмларга бориб тақалиши инобатга олинса, кейинги изоҳда мантиқ бордек бўлиб кўринади.

Даруни Кўргон – бу жой номи форс-тожикчадан ўзбекчага ўтирганда **Кўргон Ичкараси** ёки **Ички Кўргон** деган маънони англатади. Бу қишлоқ ҳозир қаердалигини билиш ҳақидаги уринишларимиз, изланишларимиз, афсуски, ҳозирча самара бермади. Фақат бир-икки хотираси бутунроқ отахонлар Қоракўлдарёнинг **Совунчининг чунгули** деб аталган жойида ўтган асрнинг 40-йилларида ҳам ташлаб кетилган қишлоқ харобаси борлигини эслашди, холос. Эҳтимол, қишлоқ ўша жойдадир.

Жалойир – мазкур этнопоним, яъни уруғ номи билан боғлиқ қишлоқ номи Ўрта Осиё тарихида сезиларли из қолдирган жалойирларга бориб тақалади. Жалойирлар турк-мўғул қабилаларининг уюшиши натижасида пайдо бўлган қабилалар бирлашмасидир. Улар 12 асргача 10 қабиллага бўлинган ҳолда ҳозирги Мўғулистон, Шимолий-Шарқий Хитой, Шарқий-Жанубий Сибирь кенгликларида, Онон ва Керулен дарёлари бўйларида яшашган. Жалойирларнинг айрим гуруҳлари киданлар билан жангда мағлуб бўлишгач, Чингизхонга тобеликни ўз бўйниларига олганлар. Чингизхоннинг Ўрта Осиёга юришлари пайти-



да жалойирларнинг катта гуруҳлари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига кўчиб келган. Уларнинг тили туркий бўлган.

Жалойирлар Амир Темур салтанат тепасига келишида муҳим роль ўйнаганлар ва даставвал соҳибқироннинг ишончига сазовор бўлганлар. Жалойирлар ичидан тарихда ўз номини қолдирган кўплаб саркардалар етишиб чиққан.

Жалойирлар 1370 йилда Амир Темурга тобеликни тан олганлар. Соҳибқирон 1375 йилда Еттисувга ҳарбий юриш бошлаганда ўғли Жаҳонгирни манглай илғор (қўшин бошлиғи) қилиб юборади. Жаҳонгир қўшинлари сафида жалойирларнинг раҳбари Баҳром Жалойирнинг ўғли Одилшоҳ бошчилигидаги жалойирлар қўшини ҳам бор эди. Отасининг вафотидан кейин Одилшоҳ қабила сардори этиб тайинланади ва амирзода Жаҳонгирнинг энг яқин кишиларидан бирига айланиб қолади.

Аммо кўп ўтмай тожу тахт васвасаси кўзини кўр қилган Одилшоҳ хиёнат йўлини тутлади. 1376 йилда Амир Темурнинг ҳарбий юришдалигидан ва Самарқандда Одилшоҳнинг садоқатига ишониб кўп куч қолдирмаганлигидан фойдаланиб, Одилшоҳ элчи Буға ва Сарибуға қипчоқ билан бирлашиб, Самарқанд тахтини эгалламоқчи бўлади ва шаҳарга қўшин тортади. Аммо шаҳар аҳолиси хиёнаткорларга таслим бўлмайди.

Исёндан хабар топган Амир Темур тезда ортга қайтиб, Кармана яқинидаги жангда Жаҳонгир Мирзо қўшини билан биргаликда исёнкорларни мағлуб этади. Жангда енгилган жалойирлар ва уларга қўшилган қипчоқлар бир қисми Дашти Қипчоққа қочиб жон сақлаган. Шундан кейин Амир Темур жалойирларнинг Оҳангарон ва Хўжанддаги улусларини тарқатиб юборади. Уларнинг яна бирлашиб бош кўтармасликлари учун Амир Темур жалойирларни ўз салтанатларининг турли чеккаларига кўчириб юборади. Шу тариқа Қорақўл воҳасига бадарға қилинган



жалойирларнинг бир қисми шу ерда ўрнашиб қолиб, Жалойир номли қишлоққа асос солишади. Қорақўлдаги жалойирлар қорақўли, қарғали кичик уруғларига мансубдир.

Шунга қарамасдан кейинги хонлик ва амирликлар замонларида ҳам жалойирлар ўзларининг уюшқоқликлари, уруғ ичидаги алоқаларни мунтазам ушлаб турганликлари туфайли ўз мавқеларини маълум даражада сақлаб қолганлар. Масалан, кейинги даврдаги Бухоро салтанатларида жалойир қабиласининг бошлиқлари салтанат машваратларида ҳукмдорнинг доимо ўнг томонида ўтирган, мамлакат ҳаётга оид масалалар жалойир қабиласи вакилларининг иштирокисиз ҳал қилинмаган.

Жалойирлар ўзбеклардан ташқари қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, озарбайжон миллатларининг уюшуви жараёнида иштирок этганлар ва уларга этник компонент сифатида қўшилиб кетганлар.

Жалойирларнинг катта гуруҳи катта гуруҳи Озарбайжон ва Ироққа кўчиб ўтиб, Ироқ ҳудудида хулагуйлар давлати ўрнида Жалойирийлар давлатини (1336-1411 йиллар) барпо этишади, Амир Темур вафотидан сўнг Бағдодни ўз пойтахтларига айлантиришади.

Жалойир номининг келиб чиқиши эса, мазкур уруғнинг тамғаси билан боғлиқдир. Уч тишли айри – паншаха (ёвоқ) жалойир уруғининг тамғаси ҳисобланган. Бундан мазкур уруғ номи ҳосил бўлган.

Ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида жалойир уруғи номи билан 20 дан ортиқ топонимлар мавжуддир.

Зоғоракаш – баъзи тадқиқотларда қишлоқнинг номи зоғора нонга боғланиши ҳақиқатдан узоқдир. **Зоғоракаш – зах, ортиқча сувлар ташланадиган жой** деган маънони билдиради. Сўк Сўк ариғининг Эшакчи қишлоғида ўнгга ажраладиган тармоғи шу қишлоқ ерларининг охирида тармоқланиб, йўқ бўлиб кетган. Аниқроғи



ортиқча сувлар маҳаллий аҳоли Каттакўл ва Кичиккўл деб атайдиган эски кўлларнинг қуруқ ҳавзасига қуйилган. Бу ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Эшакчи – 19-бетдаги Эшакчи сўзининг изоҳига қаранг.

Қаймоқчи – қишлоқнинг номи қишлоқ аҳолисининг ўтмишда чорвадорлик билан шуғулланганини, сут маҳсулотлари етиштириш уларнинг асосий машғулоти бўлганлигини англатади.

Қозонқишлоқ – бу номнинг келиб чиқиши Шайбонийлар таркибидаги туркий қабилаларнинг 15 асрдан кейин Дашти Қипчоқдан воҳага кўчиб келиши билан боғлиқ. Уларнинг ҳам асл ватани Сибирь, Мўғулистон, Шимолий Хитойдир. Қипчоқ қабилалари таркибида **қозон** уруғи бўлган, қишлоқнинг номи мазкур уруғ номидан келиб чиққан. Ушбу қишлоқ туб аҳолисининг антропологик қиёфасидаги монголоидлик қирралари, қишлоқ шеvasидаги айрим кичик тафовутлар фикри-мизни қувватлайди.

Ишончли манбаларда қайд этилишича, **қозон** сўзи туркий қазмоқ маъносидаги **қазган** сўзининг тожик тили таъсирида фонетик ўзгаришга учраши туфайли 13 асрда пайдо бўлган. Қозон сўзи қадимги туркий тилларда **уюшган одамлар, жамоа** деган маънони билдиради.

Қозон уруғи вакиллари Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида, ҳозирги Россия, Қозоғистон, Туркменистон ҳудудларида яшашган ва яшаган жойларига ўз номларини беришган (масалан, Татаристоннинг пойтахти Қозон ва Болгариядаги Қозонлиқ шаҳарларининг номи ҳам шу уруғ номидан келиб чиққанлиги илмда эътироф этилган). Ўзбекистонда **қозон** номли 5 та топоним мавжуд.

Қишлоқнинг экинзорларини сув билан таъминловчи ариқ ҳозирда Туғай деб аталади.

Кемачи – айтишларича, Зарафшоннинг сўнгги бош тармоқларидан бири бўлган Қорақулдарё ва унинг шо-



хобчаларида сув айқириб оққан замонларда бу қишлоқ аҳолиси қайиқчилик, кемасозлик билан шуғулланган, кўприк бўлмаганлиги сабабли қайиқда (кемада) йўловчиларни у соҳилдан бу соҳилга ўтказиб қўйишган. Қишлоқ аҳлининг шу касби туфайли бу ном топоним сифатида Қоракўл харитасида пайдо бўлган. Кармана ва Хайрободда ҳам Кемачи, Сомжон (Ромитан) туманида Кемачийи Чандир қишлоқлари қайд қилинган.

Пичоқчи – 9-бетдаги **Бичоқчи** сўзининг изоҳига қаранг.

Пирлар – қишлоқнинг номи кўп пир яшайдиган қишлоқ маъносини беради. Лекин бирор тарихий манбада бу қишлоқдан пирликка лойиқ бирор инсоннинг етишиб чиққанлигини ўқимадик. Кўпчилик кексалар қишлоқнинг номини Пиллар (Филлар) тарзида талаффуз қилишади ва баъзи қариялардан ўтмишда қишлоқда бир неча фил боқилганлиги ҳақида эшитганимиз бор. Шунга қараганда қишлоқнинг номи туркий халқларнинг тотемистик тасаввурларига – филни уруғ раҳнамоси, ҳомийси деб биладиган тушунчаларга бориб тақалса керак.

Работлиғ – қишлоқнинг номи маҳаллий аҳоли томонидан **Работлиқ** (Работлиқ) тарзида талаффуз қилинади. Бу тўғри талаффуз бўлиб, мазкур сўздан обод маскан, обод қишлоқ; бир неча работга (карвонсаройга) эга жой деган маънолар келиб чиқади..

Сари Бозор – бу қишлоқ ҳозир Қоракўл шаҳрига қўшилиб кетган. Уни форс-тожикчадан ўзбекчага таржима қилсак, бу ном **Бозорнинг боши** деган маънони билдиради. Илгари Қоракўлда якшанбадан ташқари кунлари бўладиган бозор сарбозор деб аталган.

Сўк Сўк – Қоракўл воҳасидаги энг қадимги қишлоқлардан биридир. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида **сўксўк** сўзига **саксовул** деб изоҳ берилади. Қишлоқнинг саксовулзорлар ўрнида барпо



бўлганлиги ҳақиқатга яқиндир. Бундан ташқари мазкур луғатда **сўк** сўзи бошқа қўшма сўзлар таркибида ҳам учрайди ва уларнинг боғловчи, бириктирувчи, сақловчи маънода келиши кўрсатилган. Қолаверса, бу қишлоқнинг номи 14-15 асрлардаги вақф ҳужжатларида кўп учрайди. Қишлоқ ўша даврда темурийлар саройининг нуфузли хос амалдорларидан бири Боқи Тархонга суюрғол қилиб берилган. Кейинчалик (аниқроғи 16 аср охирларидан бошлаб) Боқи Тархоннинг ўғли Амир Машҳадийнинг ворислари қишлоқ ва унинг атрофидаги ерларни Бухоро давлатида асрлар давомида катта нуфузга эга бўлиб келган Жўйбор хўжаларига қонуний асосда беш минг янги кумуш тангага сотишган. Юқорида кўрсатилган ҳижрий 979 йил (мелодий 1571/72 йил) раби ул-аввал ойининг 22 кунни санаси билан қайд қилинган мулк олди-сотдиси ҳужжатида қишлоқнинг номи Қаран-и Сўк Сўк деб қайд қилинган.

Шу сабабли ҳозирги пайтда қишлоқнинг камида етти юз йиллик номини бузиб талқин қилишга ва шу асосда унинг номини осонлик билан ўзгартириб, уни совет тоталитар тузумидан илк колхозлаштириш даврининг қолдиғи сифатида сақланиб қолган “Қизил юлдуз” деб аташга уринишлар ҳеч бир тарихий, маънавий ва ҳуқуқий асосга эга эмас. Ҳар ҳолда бу ўтмишга, тарихга ҳурмат ифодаси эмас.

Агар қишлоқнинг номи, ҳозирги баъзи оми одамлар талқин қилганидек, камситувчи хунук маънони англатганида эди, сўзнинг қадр-қимматини яхши англаган Жўйбор хўжалари ўзларининг мол-мулкларини бу ном билан боғламаган, йилнинг маълум муддатларида буерга келиб яшамаган ва жойнинг номини ўзгартирган бўлар эдилар. Бу уларнинг имконияти етадиган иш эди.

Хўжалиқ мавзеси – қишлоқ рўйхатда мавзе сифатида қайд қилинган. Сўк Сўк ариғи кесиб ўтувчи мазкур



қишлоқнинг Юқори ва Қуйи кўчаларида 1890 йилларда Мусохўжанинг ҳамда Қори Сайидмухторхўжанинг авлодлари қурдирган ва Бухоро амирининг махсус ёрлиғига эга бўлган иккита ўз даври учун ҳашаматли масжид фаолият юритган. Қишлоқ маърифий дину ислом йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатган Сайид Аҳмад Бухорий – Сайид Ато авлодларига меросий мулк қилиб берилгандан кейин (14 аср) ушбу номга эга бўлган. **Хўжалиқ** қишлоғининг номи **хўжалар обод қилган жой, кўп хўжалар яшовчи жой** деган маънони билдиради. Шахсий архивимизда сақланаётган 1872 йилга тегишли Жунайдуллохўжа Сайидмухтор хўжа ўғлининг ер сотиб олиш ҳақидаги Қорақўл вилояти дорулқазосида тасдиқланган ҳужжатда қишлоқ номи Хўжалиқ мавзеси сифатида қайд қилинган.

Шу сабабли камида 600 йиллик тарихга эга бўлган, шунча вақтдан бери бировга халақит бермаган қишлоқнинг Қуйи кўча деб аталмиш қисмига ҳеч кимнинг фикри билан ҳисоблашмасдан Кўҳна Хўжалар деб ном қўйилганлиги ҳам тарихан, ҳам мантиқан, ҳам тил қоидалари нуқтаи назаридан мақбул ҳаракат эмас. Биринчидан, қишлоқнинг топоним сифатида қарор топган тарихий номи бор, иккинчидан, “кўҳна” тушунчаси ўзбек тилида фақат жонсиз предметларга нисбатан (кўҳна шаҳар, кўҳна китоб) ишлатилади. Айни пайтда қишлоқ таркибига Позагарлар тўпори ҳам киради. Ҳозирги Хива туманида ҳам айнан Хўжалиқ деб аталувчи қишлоқ мавжуд.

* * *

Шихлар – қишлоқнинг номи шу номли қипчоқ қабилаларига бориб тақалади. Ўзбек миллати таркибига сингиб кетган қутчи, қарлуқ қабилаларида ҳам шихлар уруғи қайд қилинган. Илгари бу уруғ вакиллари Кармана,



Бухоро туманларида, Хоразм воҳасида истиқомат қилган. Шу сабабли Хоразмда бир неча Шихлар номли йирик топонимлар (қишлоқлар) мавжуддир.

Шихлар ўз номларини илгари шайхларга яқин қўйиб ҳисоблашган. Маҳаллий аҳоли қишлоқ номини Шехлар тарзида талаффуз қилади. Илгари қишлоқ ерлари Сўк Сўк ариғидан ажралиб чиқувчи Сарой ариғи орқали суғорилган. Бу эса мазкур жойларда илгари сарой уруғи вакиллари ҳам яшаганлигидан, қишлоқнинг сарой уруғи билан боғлиқлигидан дарак беради.

Шу ўринда ших (шайх) сўзига бироз изоҳ бериш зарур кўринади: олий руҳонийлар вакили – диний ақидаларни билувчи, ваъз-насихат қилувчи, мадраса мударриси, айрим мамлакатларда дарвишлар жамоасининг раҳбари, мадрасалар, мазоротлар фаолиятини назорат қилувчи, қабристонларга келиб тушувчи назр-ниёз ҳисобига кун кўрувчи шахслар шайхлар деб аталган. Қишлоқ ҳудудида Катманчи Ато ва Ўроқчи Ато қабристонлари жойлашган.



Наҳри Талҳон Саййод – Талҳон Саййод ариғи

Оқ Фўлод – қишлоқнинг номи қишлоқ аҳлининг касб-кори билан боғлиқ. Қишлоқда ўтмишда пўлат (фўлод) буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиши керак.

Асажам – айрим мутахассислар фикрича, қишлоқ номининг асл тўғри ёзилиши Ас-Ажам шаклида бўлиши керак. Ас-Ажам – ажамликлар деган маънони англатади. Ажам дейилганда араб тарихчилари арабларга мансуб бўлмаган барча халқларни, барча юртларни, асосан эса Эрон ва эронликларни тушунганлар. (*Алишер Навоийнинг “Тарихи мулки Ажам” асарини эсланг*). Хуллас, араб тилида Ас-Ажам сўзи эронликлар деган маънони билдиради ва қишлоқ аҳлининг олис аждодлари Эронга бориб тақалиши керак. Лекин бу қишлоқ аҳли эроний форс дегани эмас, бу мамлакатда туркий халқлар вакиллари кўп яшаган. Шулардан бир тармоғи бу ерга келиб, ўрнашиб қолган бўлиши мумкин.

Бунга муқобил, айтилиши вақтда юқоридаги гапни тўлдирувчи фикр шуки, Қорақўл воҳасига ўрта асрларда кўчиб келган ўғизларнинг таркибида човдурларга яқин қариндош аса уруғи бўлган. Бу ҳолатда қишлоқнинг номи **асалар жамланган, йиғилган жой** деган маънони англатади.

Ғазарчи – форсийда **газар, газар** ўзбекча **сабзи** деган маънони билдиради. Бундан қишлоқ аҳолисининг илгари сабзавот етиштириш, деҳқончилик қилиш билан шуғуллангани ва уларнинг бир этник уруғга мансублиги англашилади. Айтилиши вақтда Чаҳоржўй вилоятининг Барзанг амлокида Ғазарчийи, Ғазарчи Боло, Ғазарчи Миёна, Ғазарчи Поён қишлоқлари бўлганлигини қайд қилиш ўринлидир. Ўзбекистон ва Туркманистондаги бу қишлоқлар аҳолиси ўртасида қариндошлик алоқалари бўлиши кераклиги уларнинг номидан кўриниб туриб-



ди. Бошқа луғатларда эса **ғазарчи сўзининг йўл бошловчи, йўл кўрсатувчи, ов қилинадиган жойларни кўрсатувчи** деган маънолари борлиги таъкидланган.

Гилкор – қишлоқнинг номи **гил – лой** сўзидан ва касбхунарни билдириб, от ясовчи “-кор” қўшимчасидан иборатдир. Форсий ифодадаги **Гилкор** от туркумига кирувчи сўз сифатида **бинокор, қурувчи, ғишт терувчи, пахса урувчи, сувоқчи** деган маъноларни англатади. Қишлоқ аҳолисининг ичида бу машғулот билан шуғуланувчилар кўп бўлганлигидан бу ном келиб чиққан бўлса керак. Лекин “Список населенных пунктов Узбекской ССР.1928. Ташкент, ЦСУ” китобида мазкур қишлоқ номи Дилкор деб қайд қилинган.

Элоти Боло – сўзма-сўз таржимаси **Юқори Элот** демақдир..

Қумқишлоқ – қишлоқнинг номи қумлик устида қурилган қишлоқ деган маънони билдиради. Қўлимизда нухаси сақланаётган шартли равишда “Силсилаи машойих” деб аталувчи ҳужжатга кўра тахминан 17 аср охирлари – 18 аср бошларида Шайх Муҳаммад Амин Қумқишлоқий исмли уламо яшаб ўтган. Бундан мазкур қишлоқнинг ёши 3 асрдан ошади дейиш мумкин.

Қўнғурот – қишлоқнинг номи йирик **қўнғирот** номи турк-мўғил қабилалари бирлашмасининг номи билан боғлиқдир. Қўнғиротларнинг илк аجدодлари 13 асргача Мўғулистон чўлларида, Олтой кенгликларида чорвадорлик билан кун кечирган. Улар Чингизхоннинг Мовароуннахрга босқини пайтида оммавий равишда кўчиб келиб, шу ерни макон тутиб қолишган. Қўнғиротлар ҳозирги Ўзбекистоннинг деярли ҳамма жойига, Туркменистон ва Тожикистонга, Афғонистонга, қисман Эронга кўчиб бориб жойлашган. Шу жумладан, қўнғиротлар Чингизхон олдидаги муайян хизматлари туфайли Қорақўл воҳасидаги ҳозирги турган жойларини суюрғол сифатида олишган ва шу билан мазкур жойда ўтроқлашишган, чорвадорликдан аста-секин деҳқончиликка ўтишган. Шундай



килиб мазкур топоним пайдо бўлган. Қўнғиротлар ўзбек, қозоқ, қирғиз, бошқирд, қорақалпоқ, татар, нўғай миллатларининг шаклланишида иштирок этган.

Қўнғиротлар асосан қуйидаги бешта катта уруғдан иборатдир: вахтамғали, қўштамғали, қонжиғали, ойнли ва тортувли. Уларнинг ҳар бир эса яна кўплаб уруғларга ва тармоқларга (тиреларга) бўлиниб кетади.

Мамлакатимизнинг Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида яшовчи қўнғиротлар тилида қипчоқ лаҳжаси, Хоразм вилоятидаги қўнғиротлар тилида ўғиз лаҳжаси унсурлари устунлик қилади. Бу қўнғиротлар кундалик турмуш тарзида муайян ўзига хосликларини сақлаб келишмоқда (кийиниш, тақинчоқ тақиш, таом пишириш, оғзаки ижод, халқ ўйинлари ва ҳоказо).

Солиҳ Қаравул – мазкур топоним ушбу мақолада бир неча марта такрорланган Қаровул сўзи ва антропоним асосида пайдо бўлган. Қишлоқнинг номи Қаравулларга мансуб Солиҳ (кишининг исми) демақдир. Солиҳ сўзининг арабчадан таржима қилганда яхши, ажойиб, покиза деган маънолари бор. (Яна 34-бетдаги қаровул сўзининг изоҳига қаранг).

Халифа – халифа сўзи арабчадан таржима қилганда ўринбосар деган маънони билдиради. Диний истилоҳда халифа – пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан кейинги чаҳорёрлардир (Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али ибн Толиб). 19 аср охири ва 20 асрнинг бошларида Бухоро ҳудудидаги эски мактабларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг, ҳозирги ибора билан айтганда ёши катта синфбошиси халифа деб аталган. Хунармандларнинг бош шогирди ҳам халифа деб юритилган. Шайхларнинг ёрдамчиси ҳам халифа атамаси ишлатилган, манбалардаги маълумотларга кўра шайхлар уларни турли ҳудудларга мурид овлаш, ўз мавқеиларини омма орасида мустаҳкамлаш учун юборганлар. Уларнинг кўпчилиги мурид овлашга борган жойларида муқим туриб қолишган. Қишлоқнинг номи шу ҳолат билан боғлиқлиги ҳақиқатга яқиндир.



Қўрчи – қишлоқ номи этник ном асосида, яъни шу номли туркий халқнинг номидан пайдо бўлган. **Қўрчи** уруғи Муҳаммад Шайбонийхоннинг (15 асрнинг охири) ҳукмдор сифатида сайланишида бевосита иштирок этган ва уни қўллаб-қувватлаган этник гуруҳлардан биридир. Шу хизматлари учун Шайбонийхон бу уруғ вакилларига махсус фармон асосида ер-сув, мол-мулк ҳадя этган. Қўрчилардан бир гуруҳининг Қорақўл воҳасидан қўним топиши 15 аср охир ва 16 аср бошларидаги сиёсий-ижтимоий жараёнлар билан боғлиқдир. Улар тарихий ривожланиш шароитларида асосан ўзбек миллати таркибига сингиб кетган.

Қўшимча маълумот сифатида айтиш мумкинки, **қўрчи** сўзи ўтмишда ҳукмдорларни ҳар куни муҳофаза қилиб туриш учун туркийлардан тузилган махсус қўшинни (ғвардияни) англатади. Темурийлар замонида эса давлат экинзорларини қўриқловчи аскарлар **қўрчи** деб аталган. Сўзнинг дастлабки икки маъноси ўртасида боғлиқлик бўлиши мумкинлигини, менимча, инкор қилиб бўлмайди.

Ҳасанёр – қишлоқнинг номи халқ тилида Ҳазрати Али деб аталувчи чаҳорёрлардан бирининг ўғли Ҳасанга сиғиниш туфайли келиб чиққан бўлса керак. Бу топоним Ҳасан мададкор, ҳар ишга ёр бўлсин деган маънони билдиради. Агар бу фикримиз кейинги изланишларимиз натижасида ўз тасдиғини топадиган бўлса, қишлоқ аҳлининг аждодлари ўтмишда шиалар билан алоқадор бўлиб қолади.

Мулоҳаза учун бир фактни келтирмоқчимиз: Хижрий 973 йил ражаб ойининг 22-кунида (1566 йил 14 февралда) Бухоро шаҳрида тузилган амирзода Мирза Муҳаммад Шариф марҳум Муҳаммад Латиф Мирак ўғлининг ўз мол-мулкининг бир қисмини Калонхўжа Муҳаммад Ислон ўғлига 160 соф кумуш тангага сотиш ҳақидаги васиқада гувоҳлар қаторида Шайх Ҳасан Қорақўлийнинг номи ҳам муҳрланган. Ҳозирча Қорақўлий нисбасини олган, шайх



мақомига эришган энг таниқли Ҳасан исмли шахс шу кишидир. Айни вақтда Бухоро хони Абдуллахон даврида саройда саййидзода Хўжа Ҳасан нақиб исмли киши катта нуфузга эга бўлган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг тўнғич неварасининг исми Хўжа Ҳасан Аттор бўлган ва у ҳам авлиёлик мақомига эришган. Қишлоқнинг номи шу муътабар зотлардан бирининг номи билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкинлигини истисно қилиб бўлмайди.

Ҳаштяк – бу сўз ўзбекчага таржима қилинса, **саккиздан бир** деган маънони билдиради. Бухоро амирлиги замонида ердан олинадиган даромаднинг ўндан бир (дахяк), саккиздан бир (ҳаштяк) қисми миқдориди солиқ ундирилган. Демакки, бу қишлоқ аҳли тасарруфидаги ерлардан ҳаштяк солиғи олинган ва қишлоқнинг номи шундан келиб чиққан. Бу ҳолат бу қишлоқ аҳолиси бошқа қишлоқлар аҳолисига нисбатан икки улуш кўп солиқ тўлаганлигидан, бу эса ёки улар деҳончилик қиладиган экинзорларнинг унумдорлигидан ёки Бухоро амирининг олдида мазкур қишлоқ аҳлининг қандайдир алоҳида мажбурияти бор бўлганлигидан далолат беради.

* * *

Талҳон Саййод – қишлоқ номи икки тушунчанинг бирлашишидан таркиб топган бўлиб, аввало **Саййод** сўзининг 54-бетда берилган изоҳига қаранг.

Қишлоқ номини ҳосил қилувчи **Талҳон** сўзи эса аччиқ, шўр маъносини англатувчи **талҳ** сўзининг кўплик шаклини билдиради.

Лекин шу ўринда 19 асрда яшаб ўтган қоракўллик таниқли тилшунос олим ва дипломат Шайх Сулаймон Афанди Ўзбакий ал-Бухорийнинг (1821-1882 йиллар) “Луғати чигатойи ва турки усмоний” номли машҳур китобида мазкур қишлоқнинг номи Талҳон Саййод эмас, балки **Тар-**



хон Саййод деб аталганига эътибор қаратиш керак деб ўйлаймиз. Шахсий архивимиздаги Аштархонийлар даврига (XVIII аср бошлари) оид ҳокимият томонидан берилган бир неча ёрлиқ ва ҳукномада ҳам қишлоқ номи, аниқроғи мавзе номи **Тархон Саййод** деб қайд қилинган. **Тархон** (дархон) мўғулча сўз бўлиб, темирчи, озод киши деган маънони англатади. Темурийлар ва шайбонийлар даврида оддий фуқаролар орасидан етишиб чиқиб, катта мартабаларга эришган шахсларга тархонлик унвони берилган ва номига қўшиб айтилган (қорақўллик энг машхур тархон – Боқи Тархондир). Тархонлар олий ҳукмдорнинг қабулига кириш, 9 тагача гуноҳи учун жазоланмаслик имтиёзига эга бўлишган. Тархонлик унвони берилган шахсларга хонлар ёки амирларнинг олий фармони билан маълум бир ҳудуддаги мол-мулк суюрғол қилиб берилган. Суюрғол мулкдан солиқ тўланмаган. Топонимнинг номидан Саййод деб аталмиш ҳудуд қайсидир тархонга суюрғол қилиб берилгани, қишлоқ ва ариқ эса камида 5-6 асрлик тарихга эга эканлиги англашилади. Шундан келиб чиққан ҳолда бу топоним номини илк ҳужжатларда қайд қилинган шаклда тиклаш тарихан адолатли ва маърифатли иш бўларди.

Усмоншейх – бу қишлоқнинг номи антропоним асосида келиб чиққанлиги аён кўриниб турибди. Лекин ҳозирча бу шахснинг аниқ кимлиги ҳақида манбалардан ишончли маълумот топа олмадик.

Қипчоқ – қишлоқнинг номига этноним – этник ном, яъни бошқа туркий халқлар қатори ўзбеклар ҳам таркибига сингиб кетган қипчоқ уруғининг номи асос бўлган. Қипчоқ сўзи **дарахт қавагида туғилган бола** деган маънони англатиши “Таворих-и гузида...” китобида қайд қилинган. Унга кўра жангда бутунлай қирилиб кетган бир уруғдан бир ҳомиладор аёл тирик қолади ва у дарахт қавагида туғади... Бу уруғ вакиллари асосан шайбонийларнинг жанубий сарҳадларга юришлари пайтида Қорақўл воҳасига келиб ўрнашган.



Наҳри Тўнг Бешариғ – Тўнг Бешариғ ариғи

Тўнг Бешариғ ариғи – ариқнинг бундай номланишига сабаб, ариқ Сурмачи қишлоғи ёнида бешта кичик ариққа бўлиниб кетади ва у бир неча минг километрлик Зарафшоннинг охириги тармоқларга бўлинган қисми ҳисобланади.

Оқработ – жой номи таркибидаги **работ (работ, робод)** сўзининг келиб чиқиши арабча бўлиб, у қишлоқ, қасаба, аҳоли яшайдиган манзил, карвонсарой деган маънода ишлатилади. Оқ сўзи эса кўпинча оқликни, ободликни, эзгуликни англатади. Қишлоқнинг номи шу икки тушунчани ифодаловчи сўзларнинг бирикишидан келиб чиққан дейиш мумкин. Хоразм воҳасида ҳам Оқработ номи топонимлар мавжуд. Умуман олганда собиқ Бухоро амирлиги ҳудудида оқ сифати иштирокида ясалган 130дан ортиқ топонимлар учрайдики, бу ота-боболаримизнинг “оқ” сўзига алоҳида маъно юклатганликларидан далолат беради.

Арна – бундай жой номлари (топонимлар, гидронимлар) Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида (Хоразм, Қашқадарё), қўшни давлатларда ҳам кўп учрайди. **Ар (ир)** қадимги эрон тилида **сув** демакдир. Санскрит тилида арнас “**сув оқими**” деган маънони билдиради. Бинобарин, Арна атамаси ўзагида “сув йўли” деган тушунча ётади. Арна деганда дарё ёки катта ариқнинг қуриган ўзани ҳам тушунилади. Юқоридаги фикрлар қишлоқнинг қадимийлигидан далолат беради.

Дарғабоғи – қишлоқнинг номи дарганинг, яъни шаҳар доруғасининг, ҳокимининг боғи деган маънони билдиради. Қорақўл шаҳри ҳокимининг расмий лавозими доруға – дарға деб аталган. Илмда расмий қарор топган фикр шундан иборат.

Лекин мулоҳаза учун бир ҳолатни эслаш керак бўлади: Доғистонда рус тилида **даргинец** деб аталадиган элат



мавжуд, **даргинецнинг** ўзбек тилидаги шакли дарға бўлади. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланом” асарида Самарқанд атрофидаги муҳорабалар баёнида Дарғали қишлоғи номи эсланади. Шулардан келиб чиқиб, **дарға** бир пайтлар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган, кейинчалик Доғистонга бориб ўрнашиб қолган ва ўз тилини йўқотиб, иберий тилларидан бирини қабул қилган туркий уруғ эмасмикан деган тахминимиз йўқ эмас.

Қийос – қишлоқнинг номи шу номли араб уруғининг номидан келиб чиққан. Уруғ бошлиғининг исми Қийос ота бўлган ва Қоракўл воҳасидаги 16 қишлоқдаги арабий аҳоли шу уруғдан тарқалганлиги айрим манбаларда қайд қилинган.

Қумқулоқ – қишлоқнинг номи **қум** ва **қулоқ** сўзларидан таркиб топган бўлиб, қум ерни ва қулоқ эса ўтмишда мавжуд бўлган сониясига 11,5 литр ҳажмда сув ўтказувчи ўлчовни англатади. Яъни бир қулоқ сув – 11,5 литрга тенгдир. Ерларни суғоришда шу ўлчамга амал қилинган.

Қўча – бу сўз айнан қишлоқ деган маънони англатади.

Мир Фўлод – қишлоқнинг номи антропоним, яъни Мирпўлат исмли кишининг номи асосида келиб чиққан. Мир сўзи фақат амирлар авлодидан бўлган ўғил болалар исмига олд қўшимча сифатида қўшилган. Ўтмишда бу нарсага катта эътибор берилганини ҳисобга олсак (ҳозир насл-насабга қараб болага исм танлаш анъанаси ўзгарди – бек-, саййид-, мирзода, ҳожи бўлмаганлар исмига ҳам насабни билдирувчи бу сўзлар қўшилмоқда), қишлоқ нуфузли амирлардан (лашкарбошилардан) бирига мансуб ҳудуд, мулк ҳисобланган ёки у шу ерда туғилиб-ўсган.

Нимпайкол – форс-тожикчадан сўзма-сўз ўзбек тилига ўгирилса, қишлоқнинг номи **пайкалнинг**, **яъни дала-нинг ярми** деган маънони беради.



Саййод – келиб чиқиши Сибирь кенгликларига, Мўғулистон ва ғарбий Хитойга бориб тақалувчи мазкур туркий қабила вакилларининг бу ҳудудга келиб ўрнашиши сабабли ҳозирги талаффуздаги ва ёзилишдаги **Саёт** қишлоқлари пайдо бўлган. Улар илгари ўзларини **саёт, саётлар** деб аташган. 20 аср бошларида улар асосан Амударёнинг ҳар икки соҳилида кўчманчи, ярим ўтроқ шаклда турмуш кечиришган.

Эски адабиётларда уйғур-ўғиз лаҳжасида сўзлашувчи ҳозирги тива (тува) халқи **сойотлар** деб аталган. Шунга қараганда бу этник гуруҳ ва тувалар ўртасида этногенез жиҳатидан яқинлик мавжуд бўлган.

Ўзбекистоннинг Қоракўлдан бошқа ҳудудларида ҳам мазкур қабила номи билан боғлиқ Саёт қишлоқлари учрайди. Ўтган асрда Марказий Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилаётган пайтда саётларнинг бир қисми ўзини ўзбек, иккинчи қисми туркман, Самарқанд шаҳрида ва атрофида яшовчи озроқ қисми ўзини тожик деб эътироф этган. Қоракўл воҳасидаги саётларнинг сўзлашув тилида озроқ бўлсада ўғиз лаҳжаси таъсири сезилиб туради.

Султоншоҳ – қишлоқ номининг пайдо бўлиши нуфузли бир инсон номи билан боғлиқ деб ўйлаймиз, яъни бу ном ҳам антропоним ҳисобланади.

Чаурчи – қишлоқнинг номи этнопоним ҳисобланади, яъни у ушбу қишлоқни макон тутган ўғизларнинг кичик уруғига бориб тақалади.

Шакарбек – қишлоқнинг номи антропоним асосида келиб чиққан деб ҳисоблашга биз кўпроқ мойилмиз. Қишлоқнинг барпо этилишида Шакарбек исмли кишининг хизматлари кўпроқ бўлган. Маълумот сифатида айтиш мумкинки, шакар номи этник гуруҳ ҳам мавжуд бўлган. Ҳозирда Шўробод, Мояк қишлоқчалари ҳам мазкур қишлоқ таркибига киради.



* * *

Дарғали – қишлоқнинг номи дарғаси бор жой деган тушунчани беради. Айни вақтда ўзбек миллати таркибига кирган кичик этник уруғлардан бирининг номи *дарғали* деб аталган. Дарғали ёнида кишиларнинг хотирлашича Работи Жухуд номли тўпор бўлган ва унда бир неча оила маҳаллий яхудийлар яшашган.

Чатқаш – чатишиб кетган деган маънони англатади. Бундан қишлоқ аҳолисининг турли жойлардан келиб, аралашиб кетганлиги англашилади. Қишлоқ таркибига этимологияси аниқ бўлмаган Гош тўпори ҳам киради.

Наҳри Уйғур – Уйғур ариғи

Уйғур ариғи – ариқ номининг келиб чиқиши Қоракўл воҳасига уйғур элати вакилларидадан бир қисмининг ўрнашиб қолишига бориб тақалади. Уйғур элатининг номи **уюшган** деган маънони англатиши манбаларда ёзилган. Мунис Хоразмий ва Огахийнинг “Фирдавс ул-иқбол” асарида 19 аср бошларидаги воқеалар тавсифи баёнида Бухоро амири қўшинлари таркибида уйғурлардан иборат жанговар чериклар бўлганлиги хабар қилинади. Бу даврда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасидаги муҳорибаларнинг аксарияти Қоракўл воҳаси атрофида юз берган. Уйғурлар шу тариқа воҳага ўрнашиб қолган, маҳаллий аҳолига аралашиб кетган ва фақат ўз номини гидротопоним сифатида сақлаб қолган.

Араб Абдал – қишлоқнинг номи бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки этнонимнинг ўзаро бирлашишидан пайдо бўлган. Милоднинг еттинчи асрларигача бу ерларда ҳукмронлик қилган эфталитлар – эфталийлар абдаллар деб аталади; ўғиз қабилалари таркибида ҳам абдал уруғи бўлган. Бизнинг сўнгги фикримизга кўра қишлоқнинг номи ўғизларга мансуб абдаллар ва 14 асрдан кейин



воҳага кўчиб келган, ўзларини араб деб ҳисобловчи (аслида араб бўлмасалар ҳам) этник гуруҳлар вакилларининг мазкур қишлоқда ўрнашиб қолиши ана шундай қўшалок номга эга топонимнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Яна бошқа манбаларда абдал сўзи ўқимишли, зиёли деган маънони англатиши кўрсатилган. Шундан келиб чиқиб, қишлоқнинг номи ўқимишли араб деган маъно англатади дейиш мумкин.

Осиё – 16-бетдаги **Осиё** сўзининг изоҳига қаранг.

Вақф – мусулмон мамлакатларида масжид, мадраса ва шу каби диний муассасалар ихтиёёрига давлат ва айрим шахслар томонидан хайр-эҳсон, назр-ниёз сифатида берилган ер-сув, бинолар, дўконлар, тегирмонлар ва бошқа иншоотлар, мулклар вақф мулки ҳисобланган. Мазкур муассасалар шу мулклардан келадиган даромадлардан солиқ тўлаамасдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Вақф даромадлари хайрия мақсадларига, бева-бечораларга ёрдам беришга, диний иншоотларни ва бошқа биноларни, йўлларни таъмирлашга, қабристонларни обод қилишга сарфланган. Номидан кўриниб турганидек, мазкур қишлоқ ҳам вақф мулк ҳисобланган ва шу тариқа ушбу топоним пайдо бўлган.

Гули Қурбон – бу номни олимларимиз форсчадан тўғри ўқиган бўлсалар, у **Қурбон (исмли киши) эккан, ўстирган гул, обод қилган жой** деган маънони билдиради. Лекин маҳаллий аҳоли мазкур қишлоқ номини ўз шеvasида **Калли Қурбон** деб атайди. Бу **калла қурбон қилинган жой** деган маънони англатармиш.

Жиғачи – қишлоқнинг номи этник ном асосида пайдо бўлган. Ўғиз қабилалари таркибида кичик жиғачи уруғи мавжуд бўлганлиги қайд этилган. Чаҳоржўй вилоятининг Бўйни Узун амлокида ҳам шу номли қишлоқ бор. Жиғачи сўзи тожга тақиладиган **жиға ясовчи** деган маънони билдиради.

Ипчи Чўли – топоним таркибидаги **ипчи** сўзи этник



номдир, яъни у ўғизлар таркибига кирган, ҳали тарихи яхши ўрганилмаган кичик уруғ шохобчаларидан бирининг номидир. Қишлоқнинг номи **Ипчи уруғининг чўли** деган маънода келади. Демак, шу уруғ вакилларига чўлнинг катта қисмида чорвадорлик билан шуғулланишга ўз даври умаролари томонидан тегишли имконият берилган.

Йочали – мазкур топоним этник ном асосида вужудга келган бўлиб, 15-16 асрларда мазкур уруғ вакиллари Қоракўл воҳасига кўчиб келган. Бу кичик уруғнинг тарихи яхши ўрганилмаган. **Йочали** сўзи **ёй ясовчи** маъносини билдиради дейишади.

Хосхўрдаи Кулончи – бу икки тушунчанинг бирлашишидан пайдо бўлган топоним бўлиб, таржима қилинганда **Хосхўрданинг Кулончиси** деган маъно келиб чиқади. **Хосхўрда** сўзи қадимги эрон тилига мансуб бўлиб, унинг биринчи қисми (яъни, **хос**) **яхши, ажойиб, ҳукмдорларга тегишли** маъносини билдирса, **хўрда** эса жой номи-ни англатувчи (-обод, -истон сингари) кам ишлатилувчи қўшимчадир. Бундан англашиладики, Хосхўрданинг маъноси ҳукмдорларга, сарой аҳлига тегишли жой демақдир. Ўзбекистонда ва Эронда хўрд, гирд қўшимчалари билан ясалган жой номлари оз бўлсада учрайди. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги Пошхўрд қишлоғи. *59-бетда берилган Кулончи сўзининг изоҳига қаранг.*

Қара Ўн-у Мирза Қалъа (1928 йилдан Қараун Мирзақалъа) – қишлоқнинг номи икки қисмдан иборат. Топонимнинг биринчи қисми бўлмиш **Қара Ўн** сўзининг, менимча, маҳаллий аҳолининг оғзаки талқинидаги **қора рангига** ва дон маҳсулоти бўлмиш **ун** маҳсулотига умуман алоқаси йўқ. Бир неча туркий қабилалар ичида **қара** уруғи мавжуд бўлган. Қара Ўн сўзининг ўнта қара – ўнта жон, оила деган маъноси ҳам бор. Мана шу ҳолатлар мазкур топонимнинг биринчи қисмининг пайдо бўлишига омил бўлган. Туркияда, Ливанда **Қараун** номли шаҳар ва



қишлоқларнинг мавжудлиги бу фикримизга қўшимча далил бўла олади деб ўйлаймиз. Яна шуни назарда тутиш керакки, айрим олимларнинг, хусусан П.П.Ивановнинг ёзишича, мўғуллар Мовароуннаҳрдаги аҳолини қараунас-қараун, яъни ўзлари билан аралашган, қўшилган, яъни метис аҳоли деб ҳисоблашган.

Топонимнинг иккинчи қисми **Мирза Қалъа** бўлиб, бу ҳолат мазкур жойда ўтмишда Амир Темур авлодларига, яъни темурийзодаларга мансуб истехком, қалъа бўлганлигидан дарак беради. Чунки Темур ва темурийларнинг Хоразм тарафларга ҳарбий юришларидаги охириги обикор макон айнан шу жойлар бўлган. Мирза – Мирзо асосан темурийларга нисбат бериладиган **амирзода** сўзининг қисқартма шаклидир.

Қара Ҳожи – қишлоқнинг номи этноним, **қара** ва **ҳожи** номли ўзбек уруғлари номининг бирикишидан пайдо бўлган. ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 1330-рақами билан сақланаётган мажмуа таркибидаги “Асомийи наваду ду фирқайи ўзбек” (“Тўқсон икки ўзбек фирқасининг номлари”) номли асарда ўзбеклар таркибида ҳожи уруғининг бўлганлиги қайд қилинган. Бу уруғнинг тарихи яхши ўрганилмаган ва у ҳақидаги жуда кам маълумотларга эгамиз. Шуниси аниқки, улар ўзбек ва туркман миллатларининг 20 аср биринчи ярмидаги уюшуви жараёнида иштирок этганлар. Чаҳоржўй вилоятининг Дарёо Боши амлокида ҳам айнан шу номли топонимнинг учраши, бу икки қишлоқ аҳли бир-бирларига қариндош эканлигига ишора қилади. Қишлоқнинг номи биз кўрган манбаларда биринчи марта Мунис Хоразмий ва Огаҳийнинг 1825 йилгача бўлиб ўтган воқеалар тавсифи акс этган “Фирдавс ул-иқбол” номли тарихий асарида Қароҳожи шаклида учрайди.

Маҳаллий аҳоли қишлоқ номини Қарожи шаклида ҳам талаффуз қилишади. Агар бу шаклни тўғри деб оладиган



бўлсак, “Девону луғатит турк”да қайд қилинишича, қарожи сўзи тўғри, чин, рост сўзловчи деган маънони англатади.

Кетмон Дауди – қишлоқнинг номи кетмон тегди, кетмон синди деган маъноларни бериши қайд қилинган.

Қирқ Қалъа – қишлоқнинг номини ҳозирда маҳаллий шевада **Қирққалла** тарзида талаффуз қилишадики, бу бизнингча, тўғри эмас. Қишлоқнинг номи калланинг сонига эмас, балки **қирқ** номли ўзбек уруғи номига бориб тақалиши ҳақиқатга яқиндир. Тарихдан маълумки, қирқ уруғи вакиллари 15-16 асрларда Дашти Қипчоқдан кўчиб келиб, ҳозирги Ўзбекистоннинг кўп ҳудудларига тарқалган, жумладан, шу даврда уларнинг бир қисми Қоракўл воҳасида қўним топган, чорвадорликдан ўтроқ деҳқончиликка ўтган. Қирқлар озчиликни ташкил қилганликлари учун ўзларининг ҳаётларини муҳофаза қилиш учун қалъа барпо этишган. Шундан қирқлар қурган, яшайдиган қалъа маъносидаги Қирқ Қалъа топоними тилимизда пайдо бўлган. Қирқ этнотопоними собиқ амирлик ҳудудида 10 мартадан ортиқ учраши қайд қилинган, Сомжон (Ромитан) туманида Қирққо қишлоғи мавжуд бўлган.

Кулончи – қишлоқнинг номи **қулон/қулончи** номли ўғиз уруғининг номидан келиб чиққан. Кулон – чўлда яшовчи, ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида деярли эркин ҳолда учрамайдиган ёввойи эшакдир. Ўтмишда қулон гўшти от гўшти қаторида ҳисобланиб, истеъмол қилинган.

Бу уруғ вакиллари қулон овлаш ва уни қўлга ўргатиш, сотиш билан шуғулланишган. Шундан мазкур уруғнинг номи, ундан эса мазкур топоним пайдо бўлган.

Бу қишлоқни ҳозир Қора Кулончи деб аташади.

Кулбек – қишлоқнинг номи антропоним асосида юзага келган. Бу ном қулдан чиққан бек деган маънони англатади.

Қўлбе – қишлоқ аҳли ўз қишлоғининг номини Қўлво тарзида талаффуз қилишади. Аҳоли асосан ўғиз лаҳжасида



гаплашишади. Шайбонийхон Қоракўл воҳасини эгаллаган пайтда ўғиз қабилаларига мансуб **қўлбо** уруғи вакиллари шу қишлоққа келиб ўрнашиб қолган бўлса керак. Чунки қишлоқдан чиққан айрим зиёлилардан бу воқеалар билан боғлиқ халқ оғзаки ижоди намуналарини эшитганмиз. Самарқанд ва Бухоро шаҳри атрофида қўлбе номли топонимлар мавжуд.

Мироб – топонимнинг маъноси сувнинг хўжайини, сув тақсимловчи, сувдан назорат қилувчи касбни англатади. Бу қишлоқда ҳам асосий мироблардан бири яшаган бўлиб чиқади.

Урганжи – 14-бетда берилган **Ўрганжи** сўзининг изоҳига қаранг.

Чандир – 11-бетда берилган **Қурбаққа Чандир** сўзининг изоҳига қаранг.

Қанжиғлар/Қанжиғали – қўнғиротларнинг бешта катта уруғидан биттаси қонжиғали деб аталган. Ўзбеклар таркибига кирган сарой ва хитой-қипчоқ, қорахитой қабилаларининг бир уруғи ҳам **қанжиғали/қонжиғали/хонжиғали** дейилган. Қишлоқнинг номи ана шу уруғ номига боғлиқдир, шу сабабли қишлоқнинг оғзаки сўзлашувда Қанжиғлар деб аталиши мутлақо ўринсиз ва бу уруғ вакилларига нисбатан ўта кетган ҳурматсизликдир. Қишлоқ номининг **Қанжиғали** деб аталиши тарихий ҳақиқатга ва илмий истифодага мос келади. Қанжиғали – жиғаси қонга булғанган эл деган маънони беради. Бу эса мазкур уруғнинг бошидан кўп талофатли, изтиробли, қонли воқеалар ўтганлигини эслатиб туради.

Човли – шу номли туркий ўғиз уруғларидан бирининг номи мазкур топонимнинг келиб чиқишига асос бўлган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарида **човли** – дарахт новдаларидан тўқилган овқат сузадиган чўлпи (чўмич) сифатида кўрсатилган. Човли мазкур уруғнинг рамзи, тамғаси ҳисобланган. Човли уруғи вакиллари Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида, жумладан,



Тошкент шаҳри ва унинг атрофида ҳам яшашган. Тошкентда бу уруғни шивли, шибли деб аташган. Тошкентда ҳам бу уруғ номи билан боғлиқ топонимик объектлар мавжуд.

Сарт/Сорт – қишлоққа ном бўлган бу сўзнинг келиб чиқиши ҳақида ҳали тарих фанида узил-кесил хулосага келинмаган. Муаллифларнинг ҳақиқатни топишга уринишдан кўра баъзан хайбаракаллачиликка (конъюнктурага) берилиб кетаётганлиги ачинарлидир. Шу сабабли биз ҳозирча қабул қилинган расмий хулосаларни ўзимиздан қўшиб-чатмасдан баён қилиш билан чекланмиз: сартлар – ўзбекларнинг қадимдан ўтроқ ҳаёт кечирган қисми; Октябрь инқилобигача ўзбекларнинг ярим кўчманчи қисми, текисликларда, шаҳарларда яшовчи тожиклар ҳам сартлар деб аталган.

Алишер Навоий ўзининг “Муҳокамтул-луғатайн” асарида тожикларни сорт деб атаганини таъкидлаб ўтишни истардик.

Жат – қишлоқнинг тўғри номи аслида **Жот** бўлиши керак, бу топоним аслида Дашти Қипчоқдан 15-16 асрларда Мовароуннаҳрга, жумладан, қуйи Зарафшон водийсига кўчиб ўтган кўчманчи ўзбеклар, аниқроғи баҳринлар таркибида мавжуд бўлган **жот** уруғи номидан келиб чиққан деган фикрдамиз. **Жот** сўзи қипчоқ лаҳжасида **ёт, бегона** деган маънони билдиради. Демак, **жот** уруғи бошқа уруғлар учун қайсидир даражада ёт, бегона бўлган. Лекин бу уруғнинг тарихи, келиб чиқиши етарлича ўрганилмаган.

“Девону луғотит турк”да жот сўзига “хайвон ўргатувчи” деб изоҳ берилган. Покистонда Жат номли аҳоли яшаш жойлари мавжуд.

Хирс – қишлоқнинг номи форс-тожикчадан таржима қилганда **айиқ** деган маънони билдиради. Қишлоқ номининг келиб чиқишини изоҳлашда қуйидаги омилларни инобатга олиш тўғри бўлади: а) қишлоқ аҳолисининг аксарияти жисмонан бақувватлиги, басавлатлиги билан бошқа қишлоқлар аҳолисидан ажралиб туради; б) Қоракўл воҳасига ўрнашган турли уруғлар вакилларининг ўзлари доимий



шуғулланадиган касблари бўлган. Бу ҳол қишлоқлар номида акс этган. Худди шундай аждодларининг келиб чиқиши Ўрта Шарқ минтақасига бориб тақалувчи бу қишлоқ аҳолиси ота-боболарининг касби айиқ ўйнатиш, айиқ овлаш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу икки асосий ҳолат қишлоқнинг **Хирс** деб аталишига сабаб бўлганлигини истисно қилиб бўлмайди. Топонимнинг келиб чиқиши қишлоқда илгари яшаган аҳолининг тотемистик тасаввурлари билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини ҳам инобатга олиш керак. Хирслар ўзларини арабларнинг бир тармоғи деб ҳисоблашади.

Қувача – қишлоқ номи содда кўрингани билан маъносини тўғри аниқлаш мураккаб ишдир. Бу борада бир неча фаразлар мавжуд: 1) қувача – сув ташиладиган кичик идиш, челак маъносини англатади; 2) ўғиз шеваларида кўсакнинг энди очилаётган ҳолати қувача деб аталади; 3) луғатларда қуш овловчи, қуш боқувчи маъносини англатувчи қувчи сўзи мавжуд. Эски туркий тилда *қув* сўзи *оққуш* деган маънони билдирган. Охирги фараз ҳақиқатга яқин ва қишлоқнинг номи маҳаллий аҳолининг ўтмишда шуғулланган касби билан боғлиқ деб ўйлаймиз. Қишлоқнинг номи этник ном асосида ҳам келиб чиққан бўлиши мумкин. Таниқли олим К.Шониёзов ўз асарларида қуба (кува) уруғи мавжуд бўлганлигини ёзган. Бу ҳолатда қувача катта қуба уруғининг кичик бўлаги деган маъно келиб чиқади.

* * *

Зайналилар – бу қишлоқнинг номи тарихи етарлича ўрганилмаган ўғизларга мансуб кичик этник гуруҳ – зайнали уруғи номидан келиб чиқан.

Қарвақ – қишлоқ номи этнотопоним ҳисобланади. Бу этник гуруҳнинг тарихи етарли ўрганилмаган. Хазорасп туманида ҳам шу қишлоқ бор.

Илонли – қишлоққа тарихи етарлича ўрганилмаган ўғиз этник гуруҳининг номи асос бўлган.



ЎША ПАЙТДА ХАЙРОБОД ТУМАНИГА КИРГАН ПОЙКЕНД (ПАЙКАНД) АМЛОКИГА ҚАРАШЛИ ҚИШЛОҚЛАР

Оғар – қишлоқнинг аталиши этник ном асосида пайдо бўлган. Солўрларнинг кичик бир шоҳобчаси **оғар** деб аталган. Оғар – форс-тожикча **дарёнинг қуруқ ўзани** сўзларининг таржимасидир. Айрим тарихчилар қишлоқнинг номи араб тилида **кўчмас мол-мулк** маъносини англатувчи **Ақор** сўзидан келиб чиққан деб ҳисоблашади. Ҳозир бу қишлоқ Жондор тумани ҳудудига киради. Жиззах вилоятининг Зомин туманида ҳам Оғар қишлоғи мавжуд.

Алика (Аликаҳўжа) – маҳаллий аҳоли ўз қишлоғи номининг келиб чиқишини Ҳазрати Али ибн Толибнинг Пойкендни эгаллаши билан боғлашади. Яъни Али келгандан сўнг қишлоқ аҳлига хўжа номи берилганмиш. Бу борда турли-туман ривоятлар афсоналар бисёрдир. Лекин Али ҳеч қачон Пойкендга келмаган. Мазкур қишлоқ аҳолиси ўзини Саййид Аҳмад Бухорий – Саййид Ато уруғига мансуб хўжалар деб ҳисоблашади. Тарихий маълумотларга қараганда Бухородан чиқиб кетган Саййид Атонинг авлодлари кўп йиллик риёзиёт ва дину ислом йўлидаги саъй-ҳаракатлардан сўнг Бухорога, хусусан Қорақўл воҳасига 14 аср охирида Хоразмдан қайтиб кўчиб келишган. Буни кўҳна Пойкенд қалъаси ёнидаги қабристон Саййид Атонинг катта ўғли ва бош халифаси Саййид Абдуллоҳ Зарбахш номи билан аталиши ва қабристонда бу улуғ зотнинг қабри борлиги ҳам тасдиқлайди.

Аликаҳўжа сўз бирикмаси таркибидаги **Алика** сўзи диний-арабий фонетик ўзгаришга учрагач, унинг маъ-

носи мавхумлашган. Лекин айрим мутахассислар бирикма таркибидаги биринчи сўз **алика** эмас, балки **алийка** бўлиши лозимлигини, яъни у **Алига тегишли, мансуб** деган маънони билдиришини таъкидлашади.

1926 йилдаги маълумотга кўра, қишлоқ аҳолисининг 165 нафари ўзини саидлар авлоди сифатида кўрсатган.

Қишлоқ аҳлида Қувват Муҳаммад ибн Кул Муҳаммад сўфи Лаби-и обий исмли котиб шу қишлоқлик Шоҳ Носир Муҳаммад ибн Боқи Азизон ибн Шайх Хилватий Аликагийннинг сўровига кўраи ҳижрий 1160 йил рамазон ойининг 21 санасида чоршанба куни, тавушқон йилида (милодий 1747 йил 26 сентябрь) тамомига етказган шартли равишда “Силсилаи машойих” деб аталувчи ҳужжат сақланади. Шу ҳужжатдаги Шайх Хилватий Аликагий ҳужжат тузилган 1747 йилда ҳаёт бўлган. Ушбу инсон номига таянган ҳолда Алика – Аликаҳўжа қишлоғининг номи камида 3 аср аввал пайдо бўлган деган хулоса чиқариш мумкин.

Бўри боғи – собиқ Бухоро амирлиги ҳудудида **Бўри** сўзи билан боғлиқ жой номларининг кўп учрашига қараганда (15га яқин), уларнинг бир қисми шахси аниқ кишиларнинг номидан, бир қисми эса қадимий туркий халқларнинг мусулмочиликдан аввалги тотемистик қарашлардан келиб чиққан дейиш мумкин. Чунки қадим ривоятларга қараганда туркий халқларнинг ҳаммаси уруғ-аймоғи қирилиб кетиб, беланчақда қолган ёлғиз ўғил боланинг Тангрининг амрига кўра болаларини йўқотган она бўри билан қовушишидан пайдо бўлган. Шу туфайли бўри асрлар давомида туркий халқларнинг бош тотеми – ҳомийси ҳисобланган. Бу тушунча онг ости ҳаракатлар туфайли авлоддан авлодга ўтган. Эҳтимолки, **Бўри боғи** топоними шу тушунча билан боғлиқдир.

Бухорча – Пойкенд шаҳри атрофида мавжуд бўлган қадимий қишлоқлардан биридир. Қишлоқдан Бухоронинг номини етти иқлимга машҳур қилган Пойкандий,



Бухорий тахаллусли кўплаб олиму фузалолар етишиб чиққан. Шу сабабли унинг номи Бухорча – кичик Бухоро аталган дейишади. Ҳозир бу қишлоқ Аликахўжа қишлоғига қўшилиб кетган. Қашқадарё вилоятида ҳам Бухорча қишлоғи бор.

Дўрмон – қишлоқнинг номи туркий-мўғил қабилаларидан бири бўлмиш дўрмонларнинг воҳага келиб ўрнашиши туфайли келиб чиққан. Дўрман (дўрмон) сўзи мўғил тилида “**тўрт**” деган маънони билдиради, яъни қабила таркибида тўртта уруғ мавжуд бўлган: угуру, қиённома, гурдак, саксон.

Дўрмонлар 16 асрнинг бошларида Шайбонийхон қўшини таркибида Дашти Қипчоқдан Мовароуннахрнинг ичкарасига қараб юришлар пайтида кўчиб келишган. Ҳозирда Қорақўл воҳасида иккита Дўрмон қишлоғи мавжуд. Биринчиси Жигдали Дўрмон, иккинчиси Ўтўқ Дўрмон деб аталади. Дўрмонга жигдали сўзининг қўшиб айтилиши тушунарлидир, лекин иккинчи қишлоқ номига **Ўтўқ** сўзининг қўшиб айтилиши биров баҳсталабдир. Чунки **Ўтўқ** сўзи тозаланган жой маъносидан ташқари қадимги туркий тилда “ич кетиш, қусиш” (“ичи кетди, қусди”), ўтиладиган жой, йўл устидаги жой маъноларини ҳам билдиради.

Мазкур уруғ номидан келиб чиққан Дўрмон, Дўрман топонимлари мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида, қўшни Тожикистон ва Афғонистонда ҳам учрайди.

Бухоро амирликлари замонида дўрмонларнинг мамлакат ҳаётидаги мавқеи ўртача ҳолатда бўлган. Дўрмонларнинг айрим қисмлари ўзбеклардан ташқари қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, қисман тожик ва туркман халқлари таркибига сингиб кетиб, бу миллатларнинг шаклланишида иштирок этишган. Бухорода инқилобдан аввал 17 Дўрмон этнотопоними қайд қилинган.

1926 йилги маълумотларга кўра, Қорақўлдаги



дўрмонлар сони 665 кишини, Қорақўлдан кўчиб бориб, Самарқандда яшаётган дўрмонлар сони 500 кишини ташкил қилган.

Янги Мозор – қишлоқнинг номи янги барпо қилинган қабристон маъносини англатади. Демак, қишлоқ ҳам, унинг қабристони ҳам янгидан пайдо бўлган. Лекин тарихий манбаларда қишлоқ қабристонида Шабурғон Отанинг (маҳаллий аҳоли шеvasида Чибирдон отанинг) яқин қариндоши Абдурахмон Савонинг олти бурчакли мақбараси мавжуд бўлганлиги қайд қилинган. Шабурғон Ота мақбараси 11 асрга тегишлилигини инобатга олганда, бу қишлоқ ҳам камида шу асрга мансуб бўлади.

Жанфар – луғатларда бу сўзнинг жонивор маъносини бериши қайд қилинган. Сўзлашувда **жанафар**, **жанапар** деб талаффуз қилишади. Ҳозирда Қуйи ва Юқори Жанафар қишлоқлари мавжуд. Абдурауф Фитратнинг ёзишича, мўғул армиясида қўшиннинг ўнг ва сўлга сафланиши “**бир авван, жуванвар**” деб аталган. Бизнингча, қишлоқнинг номи сўл томон маъносини билдирувчи **жуванвар** сўздан келиб чиққан. Воҳадаги аксарият топонимларнинг келиб чиқиши мўғул ва қадим туркий қавмларнинг кўчиб юриши ва уларнинг тиллари билан боғлиқлиги бизни шундай хулоса чиқаришга ундамоқда.

Айни вақтда Когон туманида ҳам Жанапар қишлоғи борлигини қайд қилиб ўтиш керак.

Қулончи Боло – форс-тожикчадан сўзма-сўз таржимаси Юқори Қулончи демакдир. *Тўлиқроқ маълумот учун 59-бетдаги Қулончи сўзининг изоҳига қаранг.*

Қулончи Пойон – форс-тожикчадан сўзма-сўз таржимаси Қуйи Қулончи демакдир. *Тўлиқроқ маълумот учун 59-бетдаги Қулончи сўзининг изоҳига қаранг.*

Даҳаи Жонқилич/Қўрғони Маллабек – қишлоқнинг Жонқилич даҳаси/Маллабек қўрғони деб аталиши, мазкур қишлоқни барпо этишда Жонқилич ва Маллабек



исмли кишиларнинг ўз ўрни бўлганлигини кўрсатади. 1928 йилда қишлоқлар номини аниқлаштиришда мазкур қишлоқлар қум остида қолганлиги ва аҳолиси кўчиб кетганлиги қайд қилинган.

Пайканд – қишлоқнинг номи 2500 йилдан ортиқ ёшга эга қадимий Пойкенд шаҳри билан боғлиқлиги табиийдир. Сўғд тилида Пойкенд сўзи “қуйидаги шаҳар” маъносини англатади. 12 аср ўрталаридан кейин Пойкенд таназзулга учраб, шаҳар сифатидаги аввалги мақоми ва шухратини йўқотгач, собиқ шаҳар туб аҳолисининг бир қисми мазкур қишлоқни барпо этган. Пойкенд қишлоғи аҳолисининг бугунги ташқи қиёфаси ва қадимги пойкендликларнинг антропологияси ҳақидаги тарихий тавсифларда айнан бир хиллик кузатиладики, бу ҳолат юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Тарихий ҳужжатларда, жумладан Бухорога 1821 йилда ташриф буюрган рус тадқиқотчиси Спасскийнинг, 1844 йил баҳорида Эрон шоҳи Муҳаммадшоҳ Қожарнинг топшириғига кўра Бухородаги эронлик қулларни озод қилиш, Англия фуқаролари полковник Стоддарт ва капитан Конолли тадирини билиш, зиндондаги доктор Жозеф Вольфни қутқариш учун амир Насрулло ҳузурига келган Эрон давлати элчиси Аббос Қулихоннинг хотираларида Пойкенд қишлоғи номи учрайди. Жозеф Вольф ҳам Пойкендда ва Бухоро Афросиёби ҳисобланган Шаҳри Ислолда бўлганлигини қайд қилган.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керакки, 1926 йилдаги маълумотларга кўра Пойкенд амлокидаги (Пойкенд қишлоғидаги эмас) аҳолининг 805 нафарини қатағон қабиласига мансуб сарой уруғи вакиллари ташкил қилган.

Қара Алу – ҳозирда Жондор тумани ҳудудига мансуб бу қишлоқнинг номини **қора мева** – **олхўри** маъносини англатади, паштулар эса бу мевани Олу Бухоро – Бухоро меваси дейишади, деб осонлик билан изоҳлаш мумкин. Ле-



кин Эронда яшовчи, асл келиб чиқиши мовароуннахрлик бўлган туркий қақшай элати таркибида **қаралу** уруғи мавжудлигига, уларнинг тил хусусиятлари классик ўзбек тилига жуда яқин эканлигига таяниб, мазкур қишлоқнинг номи ҳам этник ном асосида пайдо бўлган деган фикрга келиш мумкин.

Қизил Работ – қишлоқ номи таркибидаги **қизил** сўзи одатда фаровонликни англатади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак сўзма-сўз таржимада қишлоқнинг номи **гуллаб-яшнаган, обод қишлоқ, қасаба, маскан** деган маънони билдиради. Қўшни Туркменистондаги Қизил Арват шахрининг номи билан бу топонимнинг ўзаги бир хилдир.

Манбаларда хабар берилишича қадим Пойкенд атрофида минглаб работлар мавжуд бўлган. Қизил Работнинг ўшалардан бири бўлиши ва номини ўшандан бери сақлаб келаётгани, бизнингча, ҳақиқатга яқиндир.

Саййод – 54-бетдаги **Саййод** сўзининг изоҳига қаранг.

Солўр – юқорида тилга олинган Ўғизхон бешинчи фарзандига Тоғхон деб исм қўйган. Тоғхоннинг 4 нафар ўғли бўлган. Уларнинг биринчиси Солур деб аталган. **Солўр** – қиличли, қиличи бор деган маънони англатади. 19 асрда яшаб ўтган қоракўллик таниқли тилшунос ва дипломат Шайх Сулаймон Афанди Ўзбакий ал-Бухорий ўзининг турк дунёсидаги машхур луғатида бу сўзнинг урушқоқ, жангари деган маънолари борлигини ҳам кўрсатади. Солўрнинг Эмар (яъни, бойларнинг бойи) исми оғаси бўлган. Жондор туманидаги Эмари қишлоғининг номи Эмарга бориб тақалади. Демак, Солўр қишлоғининг номи этник ном, яъни шу номли ўғиз қабиласининг номидан келиб чиққан. Солўрлар таркибида сандиқли уруғи ҳам мавжуд бўлиб, Қоракўл ва Хоразм ўртасидаги чўлларнинг бир қисми Сандиқли деб аталиши ана шундан келиб чиққан. Кўпчилик туркий элу элатлар каби Солўрларнинг



илдизлари ҳам ҳозирги Хитой, Мўғулистон ҳудудлари билан боғлиқдир. 12-14 асрларда Солўрларнинг катта қисми Ўрта Осиё ҳудудларига кўчиб келган. Кейинчалик Солўрларнинг бир қисми яна Хитойга кўчиб кетган. Ҳозирда Хитойда Солўрларнинг ўз мухтор вилояти мавжуд. Маълумотларга қараганда улар ўзларининг тилларини асосан сақлаб қолган, исломнинг сунний мазҳабига эътиқод қиладилар, умумий сони 200 минг кишидан ошадди. “Девону луғотит турк”да солўр уруғининг номи салгур деб қайд қилинган ва уларнинг ... шаклидаги тамғаси борлиги кўрсатилган. Хитойдаги солўрларнинг тилларида тибет ва хитой тилларининг таъсири сезилади. Ўрта Осиёдаги ва Кавказдаги Солўрлар 20 аср бошларидаги сиёсий-ижтимоий жараёнлар натижасида ҳамда тил ва маданият муштараклиги туфайли ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, озарбайжон ва бошқа туркий ва форсий миллатлар таркибига сингиб кетган. Хусусан, Ўзбекистоннинг кўп жойларида учрайдиган Салор (Тошкентда), Салир, Салур каби топонимлар қачонлардир бу ерларни Солўрлар обод қилганлигидан, макон туганлигидан далолат беради.

Солўрларнинг кичик бир гуруҳи ҳозирги Олот туманидаги Мухтор Саййид Салим, Томчиғ қишлоқлари ёнидаги ўзларнинг кичик қишлоқчаларида яшашган.

Солўр ёнида хариталарда қайд қилинмаган Опшоқ қишлоғи ҳам мавжуд.

Чандир – 11-бетдаги **Қурбаққа Чандир** сўзининг изоҳига қаранг.

Шўробод (Шўр Работ) – бу қадимий қишлоқнинг номи бугунги талаффузда ва ёзилишда **шўрлик ўрнида** обод қилинган **жой**, иккинчи ҳолатда эса **ери шўр қишлоқ** деган маънони англатади. Қишлоқнинг номи қадимий сўғдча, форсча-тожикча **шў**, яъни **қўй** ва арабча **робод**, яъни **шаҳарча**, **қишлоқ** сўзларининг бирикмасидан иборат бўлиши, у **қўй-қўзиси** **кўп қишлоқ** маъноси-



ни англатиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Қишлоқнинг қадимги Пойкенд атрофида ўтмишда мавжуд бўлган минглаб работлардан бири ўрнида пайдо бўлганлиги тарихий ҳақиқатга яқиндир.

* * *

Морли – мазкур топоним содда қилиб айтганда илонли, илон кўп жой деган маънони билдиради. Лекин мазкур топонимнинг келиб чиқишини аниқлаштириш керак. Чунки ўтган асрдаги расмий ҳужжатларда қишлоқнинг номи Морли, Морили, Мориали тарзида ҳар хил ёзилган ва улар ҳар хил маънони англатади. Морли илонли бўлса, морили морилик, мориали эса морининг халқи, эли демакдир. Бу ҳар хиллик кейинги авлодларни ҳам чалкаштириши мумкин.

Кундук – қишлоқ Аликахўжа ва Морли қишлоқлари ўртасида жойлашган бўлиб, аҳолининг шеvasида ўғиз лаҳжасининг таъсири сезилиб туради (ичида – ичинда, ичига – ичина в.х.). Кундук сўзининг туркий тилларда ва маҳаллий аҳоли бевосита алоқада бўлган форсий тил шеваларида бир неча маъноси бор. Уларнинг тўғриси топиб қўллаш ва талқин қилиш жуда муҳимдир. Форсий тил шеваларида кундук бева аёл, турк тилида сассиқ кўл, қадимий туркий тилда кундук (“Девону луғатит турк”) буғдой ва дон солинадиган хумсимон идишдир. Шайх Сулаймон ал-Бухорийнинг юқорида қайд қилинган луғатида ҳам кундукнинг идиш эканлиги таъкидланган, лекин қанақа идишлиги айтилмаган. Кундукнинг қадимги туркий тилдаги маъноси илмий ҳақиқатга яқин ва бу ном одамларнинг касби билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўтмишда Самарқанд атрофида шу қишлоқ номига ўхшаш Кунду (Кунда), Кандукин, Кундукас қишлоқлари мавжуд бўлганлиги тарихий манбаларда учрайди.



ҚОРАКЎЛ ВОҲАСИГА ТУТАШ БОШҚА ТАРИХИЙ ЖОЙ НОМЛАРИ

Замонбобо – бронза даври (милоддан аввалги 2 минг йилликнинг биринчи ярми) уруғ жамоасининг маданиятини ўзида ёрқин ифодаловчи мамлакатимиз ҳудудидаги ҳозирча энг қадимий деҳқон ва чорвадор қабилалар маконидир. Бу ерда кўп йиллар давомида Я.Ғуломов, А.Асқаров, А.Муҳаммаджонов каби таниқли археолог-олимлар қазилма ишларини олиб боришган ва мамлакатимиз ҳудудида кишилиқ маданиятининг ривожланишида Замонбобо маданиятининг ҳам алоҳида ўрни борлиги ҳақидаги хулосага келишган. Топилган артефактлар тарих фанида алоҳида аҳамиятга эгаллиги сабабли улар мамлакатимизнинг бир қанча музейлари ва илмий-тадқиқот муассасалари захираханаларида сақланмоқда. Макон ва қабристоннинг Замонбобо деб аталиши сабаблари, яъни Замонбобо шахсининг кимлиги масаласи ҳозирча очиқлигича қолмоқда

Моҳондарё/Моҳонкўл/Моҳонқудуқ – бу гидронимлар қадимий Моҳон сўзи билан боғлиқдир. Моҳондарё бундан бир неча минг йил аввал ҳозирги Жондор туманидаги Яккатут қишлоғи ёнида Қоракўлдарёдан ажралиб чиқиб, бир неча дельталарга бўлинган ҳолда Амударёга қуйилган, ҳозирда қумликлар бағрида қуриган дарёнинг ўзанлари сақланиб қолган. Унинг умумий узунлиги 150 км.ни ташкил этади. Ўтган асрнинг 50-60-йилларида дарё ўзанининг Моҳонкўлдан бошланувчи сўл тармоғи Гурдуш (Гўжайли) бўйлаб Лухликўл ва Эчкиқирон, Каттатузкон ва Кичиктузкон кўллари, Порсонкўл, Дарвозақир атрофларидан милоддан аввалги 4-3 минг йилликка оид неолит даври қолдиқлари топиб, текширилган. Гурдуш қабристони ўрганилган. Бу қазилмаларда академик



Я.Ғуломовдан ташқари қайсидир даражада шу ердаги изланишлари илмий ҳаётида муҳим тутган яна бўлғуси уч академик – Абдулаҳад Муҳаммаджонов, Аҳмадали Асқаров, Ўткир Исломовлар иштирок этишган.

Энди, Моҳон сўзининг келиб чиқиши ҳақида фикр юри-тадиган бўлсак, айрим кишилар, ҳатто маҳаллий зиёлилар ўртасида ҳам бу жойларнинг моҳов касалига чалинганлар бадарға қилинадиган макон бўлганлиги ҳақидаги фикр юради. Бу ғайриилмий фикр ёшларга ҳам турли йўсинда сингдирилмоқдаки, энди масалага имкон қадар ойдинлик киритиш зарур кўринади. Бундай қарашнинг ғайриилмийлиги ва зарарлилиги шундаки, биринчидан, юқорида таъкидланган қазишмалар чоғида 100дан ортиқ қабр, маконлар текширилсада, ўтмишда кишиларнинг бу касалликдан вафот этганлиги аломатлари аниқланган эмас. Иккинчидан, бирон ёзма манбада Қоракўл воҳасидаги аҳолининг бу касалликка ялпи учраганлиги ҳақидаги маълумот учрамайди. Учинчидан, ўнинчи асрнинг охирларида тарих ва географияга оид муҳим асарлар яратган араб муаррихи Ибн Ҳавқалнинг “Китоб сурати ал-ард” (“Ер юзининг сурати китоби”, Тошкент, 2011 йил) Пойкенддан унча узоқ бўлмаган масофада Муғкон номли обод аҳоли манзили бўлганлиги, у ўз қалъасига ва жоме масжидига эга бўлганлиги таъкидланади. **Муғкон** – оташпарастлар макони деган маънони англатади. Бу жойларнинг туб аҳолиси бўлмиш оташпараст-зардуштийларни мусулмонлар муғ, баъзан моҳ деб аташган. Моҳнинг форс-тожик тилидаги кўплик шакли Моҳон бўлади. Қизиғи шундаки, муғлар/моҳлар мусулмонликни қабул қилгандан кейин ҳам, бу жой номи узоқ вақт Муғкон деб аталаверган. Мазкур топонимлар (гидронимлар) ана шу тариқа пайдо бўлганлиги ҳар қандай шак-шубҳадан холидир.

Уа – туркман манбаларида шу номли ўғиз қабиласи вакиллари яшаган Қоракўл туманига қарашли қишлоқ сифатида кўрсатилган. Ўзбек тилидаги манбаларда баҳринлар таркибига кирган уали кичик уруғи бўлганлиги



қайд қилинган. Бу уруғнинг номи “Девону луғатит турк”да ива – ува шаклида қайд қилинган. 1926 йилда Қоракўл воҳасидаги уа уруғига мансуб кишилар сони 1030 кишидан иборат бўлган. Уа ва Олот туманининг собиқ Навоий номли колхози ҳудудидаги Ува қишлоғи айнан бир қишлоқнинг манбаларда икки хил аталиши бўлса керак.

Хўжа Давлат – ҳозирги Олот тумани ҳудудида жойлашган бу топонимнинг келиб чиқиши Аштархонийлар саройидаги сарой ўйинларининг машъум оқибати билан боғлиқдир. Бир баҳонаи сабаб билан саройда нуфузли мақомга эга бўлган Хўжа Давлат ва бошқа сарой аъёнлари ўртасида кучли ихтилоф чиқади. Рақиб томон, яъни Иброҳим девонбеги ва қушбеги Жавшан қалмоқ ўз муродига етиб, Хўжа Давлат ва унинг шериги Хўжа Ниҳолни ҳукмдорга, Убайдуллахон Учинчига ёмон кўрсатишга муваффақ бўлишади. Шундан кейин Хўжа Давлат ва Хўжа Ниҳолга саройни тарк этиш ҳамда ўз гуноҳини ювиш учун Ҳаж сафарига бориб келиш амр этилади. Хўжа Давлат фармони олийга итоат этиб, сафар тадоригини кўрган ҳолда йўлга чиқади. Олот қишлоғидан ўтиб, Шўркўл қишлоғига тунда келиб кўнган Хўжа Давлат ва Хўжа Ниҳолни қушбеги Жавшаннинг буйруғи билан орtdан етиб келган Араб Ясовул исмли бераҳм жаллод қийноққа солиб ўлдиради. Бу воқеа 1711 йилда содир бўлган. Шу машъум воқеадан кейин бу жой халқ тилида аста-секин Хўжа Давлат деб атала бошлайди ва тарихий асосга эга топоним сифатида шаклланади. Ҳозирда бу жойда темир йўл бекати ҳам мавжуд.

Хўжақудуқ – Қизилқумдаги қоракўллик чўпонларнинг маскани. Аслида бу жойда 19 аср охирлари ва 20 аср бошларида зиёратлик Хўжа Ақобир қорининг қўйқўзилари боқиладиган яйловнинг маркази бўлган. Вақф ҳужжатларига кўра, Хўжа Ақобир уерда махсус қудуқ қаздирган ва бу жой шу тариқа Хўжақудуқ деб аталган. Қудуқ бир пайтлар айқириб оққан Моҳондарёнинг қуруқ ўзани ичидан қазилган.



ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА УЧРОВЧИ, АММО ҲОЗИРДА УНУТ БЎЛГАН НОМЛАР

Амдиза – аҳоли ўртасида Чибирдон Ота деб аталувчи зиёратгоҳга яқин жойда жойлашган ва ҳозир йўқ бўлиб кетган шаҳар, қасаба. Маъноси, сўғдча “**сув бўйидаги шаҳар**” демакдир. Машҳур тарихчи В.В.Бартольд ҳамда озарбайжонлик академик З.Буниятов Хоразмшоҳлар давлати тарихига бағишланган машҳур асарида муаррих Мақдисийнинг асарига таянган ҳолда, бу шаҳар ҳақида маълумот берганлар. Шаҳар қадимий сўғдлар давлатининг энг ғарбий истехкоми ҳисобланган. Қоракўлу Пойкенд воҳаси тарихининг етук билимдонни таниқли академик А.Муҳаммаджонов (бу тарихни ўрганиш борасида ҳали ўзни доно билғувчи ҳеч бир зот ундан ошириб ёки уни жиддий тўлдириб бир гап айтган эмас) ҳаммуаллифлигидаги “Городище Пайкенд” асарида ҳам бу шаҳар ҳақида қисқа маълумот учрайди. Бишор ибн Абдуллоҳ ал-Амдийзий ал-Бухорий исмли муҳаддис шу шаҳардан бўлганлиги “Ўрта Осиё олимлари қомуси” китобида қайд қилинган.

Амир Али – туркман манбаларида ўғиз қабиласи вакиллари яшаган Қоракўл туманига қарашли қишлоқ сифатида кўрсатилган. 1926 йилдаги районлаштириш материалларида Қоракўлдаги бу уруғга мансуб 355 киши яшаганлиги қайд қилинган.

Боғот – ушбу сатрлар муаллифининг қўлидаги бир қўлёзма аннотациясида уни Пойкенд амлокининг Боғот қишлоғида яшовчи Бурҳониддин Хўжа валади ибн Хўжа Оқжиға исмли киши ҳижрий 1209 йилда ёзгани хабар берилади. Демак, милодий 1800 йиллар атрофида Пойкендда Боғот номли қишлоқ мавжуд бўлган. Китобнинг



ўзи Бухоро шахрида яшовчи зиёли ва камтарин инсон Раҳматжон Ғаниевнинг хонадонида сақланади.

Накбун/Нақабун/Накабан – Пойкенд яқинидаги илгари мавжуд бўлган бу аҳоли манзилгоҳи ҳақида юқорида таъкидланган Мақдисий, В.В.Бартольд, З.Буниятов асарларида маълумот берилган. Бу жойдан тарихда номлари қолган қуйидаги шахсларнинг етишиб чиққанлигига қараганда, қишлоқ обод, илмли кишиларга бой қишлоқлар сирасига кирган:

Абулаббос Жаъфар ибн Муҳаммад ибн ал-Маккий ибн Хажар ан-Нақабуний ал-Хозий (вафоти 374/985 йил) – ўз қишлоғида ҳадислар ривоят қилган, у уламолардан, улдамолар ундан ҳадис ривоят қилганлар. 374 ҳижрий йил рамазон ойининг биринчи куни вафот этган. Бу зотнинг нисбасидан кўриниб турибдики, Нақабуний аждодларининг келиб чиқиши Маккайи Мунавварага бориб тақалади.

Абу Закариё Яҳё ибн Жаъфар ибн Аъян ибн ал-Аздий ал-Пойкандий ан-Нақабуний, бу зот Куръони каримга тафсир ёзган. Намоз, рўза, диний расм-русмлар ва олди-соттига оид китоблар таълиф этган. Имом ал-Бухорий ундан ҳадислар ривоят қилган. Ироқ ва Ҳижозда бўлиб, Ибн Уяйна билан суҳбатда бўлган.

Накбун – некбин, хокисор, оқил киши маъносини билдиради.

Сулаймон – бу топоним – тарихий қишлоқнинг номи антропоним асосида, яъни Пойкенд аҳлига мансуб бўлган Сулаймон исмли бобонинг номи асосида келиб чиққан. Бу қишлоқнинг номи қуйидаги муҳаддис уламоларнинг номлари ва асарлари орқали бизнинг кунларгача етиб келган: Абу Абдуллоҳ ал-Фазл ибн Абул-фазл ибн Аҳмад ибн Али Амр ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Анбар ас-Сулаймоний ал-Пойкандий (бу зот 413 ҳижрий йилда вафот этган) ва Аҳмад ибн Али



Амр ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Анир ас-Сулаймоний (ас-Суллабий) ал-Пойкандий (туғилиш ва вафоти санаси ҳижрий 311-412 йилларга ва милодий 923-1014 йилларга тўғри келади, 400 дан ортиқ катта-кичик асарлари мавжуд).

Сурхи қудуғи – гидроним, ўғизларнинг эрсари қабиласида сурхи уруғи бўлган. Мазкур уруғ яшаган жойда ушбу қудуқ қазилган.

Хужода – 10 асрда яратилган “Худуд ал-олам” аса-рида, Мақдисий, Истахрий, Ибн Хавқал асарларида Пойкенддан 1 фарсах йўл олисликда (1 фарсах ҳозирги ўлчовлар бўйича 6-7 км.га тенг) шундай шаҳар бўлганлиги қайд қилинади. Уларда келтирилган маълумотларга кўра шаҳар ўз қалъасига ва жоме масжидига эга бўлган. “Ўрта Осиё олимлари қомуси” (Т., 2007 йил) китобида бу шаҳарчада ҳижрий 417 йилда таниқли муҳаддис Абу Али Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Хужодий таваллуд топганлиги хабар берилади. Шундан келиб чиқиб, Хужода 11 асрда ҳам мавжуд бўлган деган хулосага келиш мумкин.

Қумсултон (Қумсаутан, Қум Сутан) – Пойкенднинг жануби-шарқий томонида Қашқадарёнинг қуриган ўзани бўйида 30 км.ча масофа олисликда жойлашган шаҳарча харобаси. Унинг тарихи ҳали етарлича ўрганилмаган. Пойкенд харобаларини ўрганиш пайтида Қумсултонда ҳам археологик қазишма ишлари олиб борилган. Ундан топилган артефактларнинг асосий қисми Москвадаги Шарқ халқлари санъати музейига олиб кетилган.

Қундуз – Қорақўл туманидаги қаердалиги унутилган тарихий қишлоқ. Бу қишлоқнинг номи ҳақидаги маълумотлар шу қишлоқда 1821 йилда туғилиб, машҳур шоир, ношир, сайёҳ ва Ўрта Осиёдаги уч давлатнинг (Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлиги) Туркия сул-



тони ҳузуридаги элчиси мартабасига эришган, тилимиз тарихини ўрганишда алоҳида ўрин тутувчи “Луғати чигатойи ва турки усмоний” луғатининг муаллифи Шайх Сулаймон бин Қудратуллоҳ Қундузий-Қоракўлий Ўзбакий ал-Бухорий (1821-1882 йиллар, Истанбулда вафот этган) номи орқали етиб келган. Бу қишлоқ ҳозир қандай аталиши ва нима учун унинг номи ўзгарганлиги номаълум. Пойканд амлокдорлигидаги қишлоқлар бу даврда Қоракўлга мансуб деб ҳисобланмаганлиги учун, мазкур қишлоқнинг ўрнини ҳозирги Олот ва Қоракўл туманларининг қуйи ҳудудларидан излаш мақсадга мувофиқдир. Айни вақтда Шайх Сулаймон эшонлар авлодидан бўлганлигини ва эшонлар асосан қайси қишлоқларда яшаганлигини ҳисобга олиш, эшонларнинг авлодларида қўлларида сақланиб қолган вақф ва васиқа ҳужжатларини, насабномаларни ўрганиш масалага аниқлик киритишга ёрдам бериши мумкин.



ҚОРАКҰЛ ТОПОНИМИ ВА ТУМАН ТАРИХИ ҲАҚИДА МУХТАСАР СЎЗ

Энди ҳозирги маъмурий-ҳудудий бўлинишлар бўйича икки туман (Қоракўл ва Олот) ҳудудини тўлиқ ва бир туманнинг озроқ (Жондор) ҳудудини қамраб олувчи **Қоракўл** топонимининг пайдо бўлиши, маъноси ва тарихи ҳақида озроқ фикр юритсак, ўринли бўлади. Аввало, қора (қара) сўзи а) рангни; б) катталиқ, буюклик, йирикликни; в) жонли нарсани (*уйингда бирор қара борми? – уйингда биров борми?*); г) динсизларни, мажусийларни (*М.Е.Массон ва Э.В.Ртвеладзе фикри*); д) қўрқинчли, ёвуз кучларни; е) паноҳни, ёрдам беришни (*сизни қора тортиб келдим – сиздан паноҳ излаб келдим*); ж) бахтсизликни; з) араб тилида эса **қар’а** шаклида учраб, қишлоқни англантишини эслайлик (қора сўзининг бошқа маънолари ҳам бор). Буларнинг қайси бири Қоракўл топонимининг пайдо бўлишига асос бўлган бўлиши мумкин? Аслида Қоракўл топонимининг пайдо бўлишини юқоридаги саккиз ҳолат билан ҳам бемалол боғлашга истаганча изоҳ топса, уни шуларга мувофиқ рангига қараб Қора кўл, ўлчамдан келиб чиқиб Каттакўл; атрофида мажусийлар яшагани учун Мажусийлар кўли; одамлар кўп чўкиб кетганлиги учун Ёвуз кўл; одамлар паноҳ топганлиги учун Паноҳкўл; бахтсизликни ифодалаганлиги учун Бахтсизлик кўли; қишлоққа араблар келиб асос солганлиги учун Қар’а кўл (Кўл бўйидаги қишлоқ) тарзида талқин қилса бўлади. Четдан қаралганда бу фикрларнинг ҳаммасида мантиқ бордай кўринади.

Аммо асослар ишончли бўлиши учун Қоракўлнинг вужудга келиш ва ривожланиш тарихига озроқ назар таш-



лашга тўғри келади. Маълумки, Қоракўл қишлоғи, қалъаси, тарихий манбаларга қараганда, 15 асрнинг иккинчи ярмида, яъни 1450 йиллар атрофида пайдо бўлган (Унгача бу ҳудуд Наразм деб аталганлиги ҳақида манбаларда узиқ-юлуқ маълумотлар бор. Номлардаги ўхшаш жиҳатларга эътибор беринг: шарқда ҳозирги Тожикистоннинг Панжа-кент шаҳри жойлашган ҳудуд **Саразм**, ўртадаги Қоракўл воҳаси **Наразм** деб аталган ва тарихий **Хоразм** мавжуд бўлган. Огахийнинг “Зубдату-т-таворих” асарида Наризам шаклида қайд қилинган, 19 аср ўрталари). Бу давр (11-15 асрлар) воҳага Дашти Қипчоқдан, Туркистоннинг бошқа ҳудудларидан турли қабила ва уруғлар вакиллари-нинг оммавий кўчиб келишлари ҳамда сув мўл-кўл бўлган мазкур ҳудудда ўтроқлашишлари билан характерланади. Юқорида келтирилган топонимларнинг шарҳидан ҳам бу нарсани англаб олса бўлади. Қолаверса, кўчиб келиб, ўтроқлашган мазкур этнографик гуруҳлар ичида туркий тилда сўзлашувчи туркешларга тегишли **қора** қабилалар иттифоқига кирувчи уруғлар вакиллари ҳам бўлганлиги шубҳасиздир. Тарихий-лингвистик таҳлилларимиз қора уруғининг тили қарлуқ лаҳжасига мансуб бўлган бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Тарихдан маълумки, 766 йилда қарлуқлардан енгилган туркешларнинг бир қисми (жумладан, қора қабилалар иттифоқи) қарлуқ қабила иттифоқи, кейинчалик қарлуқ давлати таркибига кирган. Демак, бир давлат таркибига кирган қоралар ҳам қарлуқ лаҳжасида гаплашишга ўтишган. Қоракўл воҳаси асосий аҳолисининг қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида сўзашишининг, бу лаҳжада Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида, қадимий туркий ёдномаларда ишлатилган сўзларнинг учраши сабабини шунда кўрамиз.

Топоним таркибидаги иккинчи сўзга келсак, бизнинг фикримизча, аслида у **кўл** эмас, балки **кул** сўзининг та-



лаффузга мослашган шаклидир. Кул сўзи қадимий туркий тилда **эрк, эркин; халққа хизмат қилувчи** деган маънода ишлатилади. Бундан хулоса сифатида айтиш мумкинки, **Қорақўл** – эркин, эркли, озод қоралар юрти деган маънони беради. Унинг рангга ҳам, кўлга ҳам, катталик ўлчамига ҳам, ёвузликка ҳам, қар’ага (*арабча қишлоқ, яъни кўл бўйидаги қишлоқ*), юқорида саналган бошқа ҳолатларга ҳам мутлақо алоқаси йўқ. Чунки туркий халқлар тарқалган Россиянинг кўплаб ҳудудларида, хусусан Татаристон, Бошқирдистон, Тува республикаларида, Омск, Иркутск, Оренбург, Курган, Челябинск вилоятларида ва Сибирдаги бошқа ҳудудларда, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон ва Озарбайжонда, ҳатто туркий халқларнинг азалий ватани Олтойдан чиқиб, Беринг бўғози орқали Жанубий Америкага бориб қолган, ҳозир ҳинду деб аталмиш элатлар яшайдиган жойларда (Бразилияда 3 та Қорақўл номли топоним бор), мамлакатимизнинг Хоразм, Наманган, Фарғона вилоятларида Қорақўл номли ўнлаб катта-кичик қишлоқлар, шаҳарлар, посёлкалар, кўллар, дарёлар, тоғ чўққиларининг борлигини биз фикримизни тасдиқловчи далил сифатида келтирмоқчимиз. Чунки санаб ўтилган аксарият жойларда кўл тугул, каттароқ ҳовуз ҳам мавжуд эмас. Бу ҳолат эса мазкур уруғ (қабил аиттифоқи) вакилларининг кенг тарқалганлигини англатади, афсуски, уларнинг тарихи ҳақида узук-юлуқ маълумотлардан (Л.Н.Гумилев, К.Шониезов асарлари) ташқари аниқ хабарга эга эмасмиз. Бунинг устига собиқ Бухоро амирлиги ҳудудида **қора** сифати иштирокидаги 200 дан ортиқ жой номи қайд қилинган. Қолаверса, топонимика илми қоидаларига кўра, агар топоним этник хусусиятни эмас, фақат жойнинг хусусиятини англатганида бу даражада кенг тарқалиши мумкин эмас эди. Буни эсдан чиқармаслик керак.

Қолаверса, ҳали Қорақўл деган топоним пайдо



бўлмасдан аввал, Амир Темур томонидан 14 аср охирларида қуйи Зарафшон воҳасига, яъни ҳозирги Қорақўл воҳасига кўчирилган жалойирлар таркибида **қорақўли** номли уруғ мавжуд бўлган.

Таниқли тарихчи П.П.Ивановнинг “Архив Хивинских ханов XIX века” китобида ёзилишича, Хива хонларининг васиқа ҳужжатларида **қорақўл** уруғи қайд қилинган.

В.А.Бартольднинг ёзишича, 1222 йилининг куз-қишини дунёни забт этишга киришган Чингизхон Самарқандда, унинг ўғиллари Чиғатой ва Удэгэй эса ўз қўшинлари билан Қорақўл воҳасида ўтказган. Отасига ҳар ҳафта 50 туя мол-мулк жўнатиб туришган. Афсуски, бу даврда воҳанинг қандай номланганлиги ҳақида барча муаррихлар сукут сақлаганлар. Мўғул қўшинининг қарийб ярим йил Қорақўл воҳасида муқим туриши ва бир қисм қўшиннинг қолдирилиши, шу аҳволнинг Муҳаммад Шайбонийхон даврида такрорланиши, яъни Шайбонийхоннинг 1505 йил августидан бошлаб бир қиш мавсумини ўз амирлари билан Қорақўлда ўтказиши, ўз саркардаларига қишлоқларни суюрғол қилиб бериши аҳолининг этник таркибида маълум ўзгаришларга олиб келган бўлиши шубҳадан холидир.

Шу ўринда, бизнингча, Абу Жаъфар Наршахийнинг 943-944 йилларда яратилган “Бухоро тарихи” (асл номи “Таҳқиқи вилояти Бухоро”) асарида келтирилган Мосаф дарёсининг Пойкенднинг қуйисидаги Боргини фароҳ номли кўлга, яъни Қарокўлга қуйилиши ҳақидаги маълумотга, аниқроғи Қарокўл (Қорақўл) сўзига яна изоҳ бериб кетиш зарур кўринади. Агар асарнинг асл нусхаси бизнинг кунларгача етиб келганда Наршахийга асосланиб, Қорақўл гидроними ва топоними кўлнинг хусусиятидан келиб чиққан деб бемалол айтиш мумкин эди. Ҳолбуки, мазкур асар 1128 йилда (китоб яратилганидан салкам 100 йил кейин) форс-тожик тилига қисқартириб таржи-



ма қилинган, 1178-1179 йилларда эса у иккинчи марта қисқартирилган. Мутаржимлар асарга ўша давр таомилига кўра ўзлари яшаган даврга оид маълумотларни қўшганлар, таҳрир қилганлар, баъзи маълумотларни ўзгартирганлар. Наршахийнинг илк маълумотлари қайсидир даражада ўзгартирилган (агар сохталаштирилмаган бўлса) мазкур китобда учрайдиган Қарокўл ҳақидаги маълумот ҳам шундай таҳрирлардан мустасно бўлмаса керак, деб ҳисоблаймиз.

Юқорида таъкидланганидек, 15 асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлгандан кейин Қоракўл қалъаси қисқа вақт ичида ўзининг муҳим стратегик ва географик нуқтада жойлашганлиги туфайли, аввало, темурийлар, кейинроқ шайбонийлар давлатининг асосий истеҳкомларидан бирига айланди. Рус журналисти Виктор Витковичнинг ёзишича, вафотидан анча йиллар илгари Султон Мирзо Улуғбек аҳли салтанати билан бу ерларга кўп марта широкга келган.

Шаҳар ўз даврининг сиёсий воқеаларидан, ҳукмдорлар ўртасидаги сиёсий найранглардан, қонли воқеалардан четда туролмаган. Темурийлар даврининг сўнгги йилларида Заҳририддин Муҳаммад Бобурнинг қайнонасининг акаси, яъни хотинининг тоғаси Султон Ҳусайнбек Арғин шаҳар ва музофот ҳокими бўлган. Тарихчиларнинг ёзишича, 1501 йилда Бухоро ҳокими Ҳамза Султоннинг навкарларини ўлдирган шаҳар аҳли ўз йўлбошчиси гадоё Шодини ҳоким қилиб сайлайди. Кўзғолон бостирилгач, шаҳар аҳлининг асосий қисми қириб ташланади. 1502 йилда Шайбонийхон қўшини Қоракўл қалъасини олмоқчи бўлиб ҳужум бошлаганда, Темурийларга содиқ қолиш истагидаги 10 минг кишилиқ халқ лашқари қаттиқ қаршилиқ кўрсатади. Шайбонийхон тўрт ой давом этган тенгсиз жангда мағлуб бўлган қоракўлликларнинг кесилган бошидан Отбозорда минора ясашни буюради.



Кейинги давр ҳужжатларида Қоракўл номи гоҳ туман, гоҳ вилоят, гоҳ музофот шаклида учрайди. Аштархонийлар даврида Қоракўлга эронлик Хидояткулининг ҳоким бўлганлиги, Қоракўл аҳли ҳар йили хон хазинасига 20 минг динар солиқ тўлаганлиги хабар қилинади. Эҳтимолки, ҳозирда туман маркази ҳисобланувчи Қоракўл шаҳрида ва унинг атрофидаги айрим қишлоқларда ўз аجدодларини эронлик деб ҳисобловчи, антропологик қиёфаси ҳам бошқа маҳаллий аҳолидан ажралиб турувчи кишиларнинг яшаётганлигининг сабаби шундандир.

Шу ўринда бир-икки муҳим масалага аниқлик киритиб кетиш зарур кўринади. Кейинги пайтларда айрим матбуот нашрларида ва китобларда Қоракўл воҳаси тарихига оид ўқувчиларга тақдим қилинган маълумотларда таъкидланаётганидек, Қоракўл ҳеч қачон ҳудудий бўлиниш маъносида **беклик** деб аталмаган ва уни бек бошқармаган. Турли даврлардаги Бухоро хонликлари ва сўнгги амирлик даврида Қоракўлнинг маъмурий номи расман баъзан музофот, баъзан вилоят, гоҳ туман деб аталган. Аштархонийлар замонида эса кўп ҳолларда хон саройининг эшик оғабошиси бир вақтнинг ўзида Қоракўлнинг ҳукмдори ҳам ҳисобланган. Эшик оғабоши ҳозирги тил билан айтганда хоннинг хавфсизлик хизмати бошлиғи бўлган, бу вазифани хонликнинг сўнгги йилларида Муҳаммад Ёр исмли шахс бошқарган. Амир Насрулло даврида Қоракўл ҳукмдори баъзан оталиқ, кўп ҳолларда бий деб аталган, Эрон элчиси Аббос Қулихон ва англиялик сайёҳ Жозеф Вульфнинг эсдаликларига кўра, 1825-1844 йилларда асли келиб чиқиши эронлик қул Хусайн Эроний бу лавозимда турган. 19 асрнинг охириги чорагидан бошлаб Бухоронинг бошқа туманларидан фарқли ўлароқ, Қоракўл қозиси бир вақтнинг ўзида ҳам бий, ҳам ҳоким, ҳам қози, ҳам миршаббоши вазифаларини бажарган, яъни унга кичик ҳокими мутлақлик ваколоти берилган.



Амирликнинг сўнгги йилларида (1920 йил сентябри-гача) таниқли тожик ёзувчиси Жалол Икромийнинг отаси Қози Икромча Қоракўлда қозилик вазифасини бажарган, болалик йилларининг бир қисми Қоракўлда ўтганлигини Жалол Икромий домланинг ўзлари ҳам ёзиб қолдирганлар.

Пойкенд 1920 йилгача Хайробод туманига (ҳозирги Жондор, Бухоро туманларининг бир қисми билан биргаликда), кейинчалик маркази ҳозирги Когон шаҳрида бўлган Баҳоуддин туманининг Хайробод кентига, 1926-1944 йилларда Файзулла Хўжаев-Свердлов-Жондор туманига мансуб ҳудуд ҳисобланган. Ҳозирги Жондор туманига қарашли Оғар, Чандир, Қара Алу, Янги Мозор, Бўрибоғи қишлоқлари ҳам Пойкенд амлокининг ҳудудига кирган.

Қоракўл тумани ҳудудий жиҳатдан икки амлок ва етти ариқ бўйидан иборат бўлган. Амлоқларнинг фаолиятини Қоракўл қозиси тайинлайдиган амлоқдор бошқарган, етти ариқ бўйидаги қишлоқлардаги ер-сув муносабатларини қозининг ўзи етти бош мироб орқали назорат қилган, бош миробларни ҳам қози тайинлаган. Қишлоқ оқсоқоллари ва аминларига қишлоқларнинг эркаклари шундай ваколат беришган ва улар қозининг тасдиғидан ўтгач, иш бошлашган. Одатда Қоракўлда оқсоқоллик ва аминлик ваколати қишлоқ манфаатларини ҳимоя қила оладиган нуфузли кишиларга берилган ва бу лавозим қоида тариқасида отадан ўғилга ўтган. Аминлар ўз қишлоғи доирасида ҳокими мутлақликка эга бўлганлар, одамларнинг хатти-ҳаракат қоидаларини ўз тушунчалари даражасида белгилашга интиланлар. Масалан, Хўжалиқ қишлоғининг амини Хўжа Хужжат амин (Хужжатилло амин бин Собирхўжа валади Жунайдуллоҳ қори) бу қишлоқда азалий тартиб бўлган бегона кишиларнинг қишлоқ ичидан от-улов, арава миниб ўтиш борасидаги тақиқни янада кучайтирган, бегоналар қишлоқ кўчасидан бошини қуйи эгган ҳолда, қишлоқ



хонадонларига алангламасдан от-уловдан тушиб, уларни жиловдан ушлаб ўтишлари шарт бўлган. Бунга амал қилмаганларни турли расмий ёки норасмий жазолар кутган. Бу иш бегоналар (ўғрилар, талончилар, ахлоқсиз кишилар) назаридан қишлоқ хонадонларини ихота қилиш учун амалга оширилган.

1920-1926 йилларида маъмурий-ҳудудий бўлинишда, уларни номлашда жуда кўп чалкашликлар бўлганлигини қайд қилиш керак. Бу йилларда Қоракўл гоҳ уезд, гоҳ Бухоро уездига кирувчи волость деб аталган. Ҳар икки ҳолатда ҳам Қоракўл учта кентдан – Қоракўл, Олот ва Янгигозор кентларидан иборат бўлган.

Қоракўлнинг аҳолиси масаласи: 1926 йилги расмий аҳоли рўйхати маълумотларига кўра Қоракўл уездида (ҳозирги Қоракўл ва Олот туманлари; Пойкенд амлокидан ташқари) яшаган 24765 аҳолининг 683 нафари Қоракўл қалъасида истиқомат қилган (уларнинг 343 нафари ўзбек, 340 нафари тожик). Тўрт дарвозали (Хоразм, Чаҳоржўй, Қарши, Бухоро дарвозалари) қалъанинг расмий ҳудуди 6,5 гектардан иборат бўлган.

Аҳолининг миллий таркиби: Қоракўл воҳасида яшовчи яшовчи аҳолининг асосий қисми аждодларининг этник келиб чиқишидан қатъи назар, ўзларини ўзбек деб ёздирган. Фақат аҳолининг 475 нафари ўзини ўз табақасининг номи билан хўжа, 180 нафари шайх миллатига мансуб деб қайд қилдирган. Аҳолининг 8 минг нафари ўзини манғит уруғига мансуб деб билган. Икки қишлоқда тожик тилида сўзлашувчи аҳоли борлиги рўйхатга олинган (жами 120 киши). Бу даврда Қоракўл қалъасининг ичида бир неча хинд, яҳудий (чунончи Қоракўлдаги биринчи саноат корхонаси – пахта тозалаш заводи 1898 йилда қурилган бўлиб, у Левин исмли яҳудий бойига тегишли бўлган) ва мусулмон динини қабул қилган яҳудийлар – “чалалар” оиласи яшаганлиги ҳам маълум. Ҳиндлар ва



афғонларнинг карвонсаройлари бўлган. Жиғачи қишлоғи атрофида бир неча оила ўғизлашган кашмирлик лўлилар ва афғонлар, курдлар ва белужлар, ҳозирги Қораун қишлоғи атрофида қизилбошлар (даставвал, Эрондаги озарбайжонлар, кейин эса шиаликни қабул қилган барча эроний ва туркий уруғлар шундай аталган), тотлар, сортлар, Сўк Сўк ариғи бўйидаги қишлоқларда ўтроқлашган лўлилар, тотлар, Қоракўл қалъаси ичида ўзларини балхлик (Афғонистондаги шаҳар) мирзолар авлоди (яъни, темурийлар, кўпроқ бобурийлар авлоди мирзолар деб аталган) деб атовчи кишилар, Уйғур ариғи бўйидаги айрим қишлоқларда уйғурларнинг авлодлари яшаган. Кўп қишлоқларда эса савдо-сотик билан Қоракўлга келиб қолган ҳамда 18-19 асрларда така туркманлар Эрондан қул қилиб келтириб сотган кишиларнинг авлодлари яшаганлиги маълум. Улар ўзаро ўзбек тилида гаплашишсада ва форсий тилни билишмасада, ўзларининг аждодлари эронлик бўлганлигини унутишмаган.

Лекин шу ўринда бир нарсани эсдан чиқармаслик керакки, эроний, эронлик дегани ҳали бу форс, халқ тилида айтганда пирсиён дегани эмас. Чунки така туркманлар асосан ҳозирги Эроннинг шимолий ҳудудларидан келтириб сотган қуллар ичида туркманлар, тожиклар, ўзбеклар, мазандаронлар, ғилонлар, қақшайлар, бахтиёрийлар, белужлар, озарбайжонлар, афшарлар, курдлар, лорлар, жамшидлар, афғонлар, ҳазорлар, араблар, арманлар, ассирийлар, яҳудийлар, грузинлар, лўлилар, толишлар, таталар, шунингдек майда туркий қавмлар (қожарлар, бахарлулар, эйнанлулар, хуросоний ва пичоқчилар) вакиллари ҳам бўлиши мумкин эди. Уларнинг ҳаммаси умумий қилиниб, эроний деб аталган. Қолаверса, ҳақиқий форслар така туркманларнинг оёғи етмаган Эроннинг жанубий ҳудудларидаги, Форс кўрфази бўйидаги ҳудудларда яшашган. Шу сабабли форслар (пирсиён - форсиён) ва



қорақўллик эронийларни айнан бир тушунча сифатида қабул қилмаслик керак. “Дрони” деб аталувчиларнинг антропологиясидаги кескин тафовутлар ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Қорақўл воҳасида яшовчи ўзларининг аجدодларини араб деб ҳисобловчи аҳолининг келиб чиқиши масаласига ҳам бироз ойдинлик киритиб кетиш лозим. Бу аҳоли ҳақида гап кетганда уларни ягона этник бирлик вакиллари деб қабул қилмаслик даркор. Аввало, араб мамлакатларида яшовчи арабларнинг ўзи ҳам салкам 100 та катта уруғдан ташкил топганлигини таъкидлаш ўринлидир. Қолаверса, араб халифалиги кучайган даврда халифаликка кирган бошқа ўнлаб этник гуруҳлар вакиллари ҳам араб ҳисобланган, ўзларини араб деб аташ улар учун яшаб қолишнинг зарурий шарти бўлган. Сурияликлар, арабийлар, барбарлар, курдлар ва яҳудийларнинг, друздлар ва қибтийларнинг, ҳиндларнинг, Эрон халқларининг, туркийларнинг муайян қисмлари ўз даврида дин таъсирида ва курул кучи билан араблар таркибига сингиб кетган. Шу сабабли бугунги кунда турли араб мамлакатларида яшовчи ва ўзини ҳақиқий араб деб ҳисобловчи халқларнинг лаҳжаси, урф-одатларигина эмас, балки антропология қиёфаси ҳам бир-биридан ер-осмонча фарқ қилади. Шу сабабли уларни араблашган аҳоли деб аташни мақбул деб ҳисоблардик.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига, хусусан Қорақўл воҳасига араблашган аҳолининг кўчиб келиши 7-14 асрларга тўғри келади. Араблашган аҳолининг биринчи оқими 674 йилда Убайдулла ибн Зиёд ва 715 йилда Қутайба Пойкендни забт этгандан кейин Қорақўл воҳасида ўрнашиб қолган. Амир Темур ҳукмронлик даврида ҳам араблашган аҳолининг катта қисми чорвадор сифатида ва қул сифатида Қорақўл воҳасига кўчириб келтирилган. Шу сабабли Қорақўлдаги араблашган аҳолининг ўзи ҳам ўзаро



бир-бирини банди араб ва оқча араб деб ажратишади. Араблашган аҳоли яшаш худудига қараб ўғиз ва қарлуқ лаҳжасида гаплашишади. Шу сабабли уларни соф арабларнинг аждоди деб аташ кўп жиҳатдан баҳсли масаладир.

Мавзудан бироз чекиниб бўлсада айтиш керакки, Қорақўл воҳасига туташ Чаҳоржўй вилоятида ҳам миллий айнанликни белгилашда айрим тушунмовчиликлар бўлган, яъни кўп кишилар ўзини ўзбек ёки туркман сифатида аниқлашда қийналган (1920 йил сентябридан кейинги худудий бўлинишга кўра Қорақўл маълум муддат Бухоро Халқ Совет Республикасининг Чоржўй миллий вилоятига киритилган). Чунки илгари миллат деганда европача талқиндаги ҳозир биз қабул қилган тушунча (этник, худудий, руҳий ягоналик ва тил бирлиги) эмас, балки диний бирлик тушунилган. Шунга қарамасдан Фороб туманида рўйхатга олинган 13 мингга яқин аҳолининг 12 мингдан ортиғи ўзини ўзбек деб рўйхатга олдирсада, нимагадир бу худуд Туркменистон ихтиёрига берилган (Отчёт ЦСУ Туркменской ССР 1929г.).

С.Ильиннинг 1937 йилда чоп этилган “Геологические исследования в области мезо-кайнозойских отложений западного Узбекистана” китоби Қорақўл воҳаси топонимлари ҳақидаги тушунчаларимизни кенгайтириши мумкин. 30-йиллардаги аэросъёмкалар натижасида учувчи А.И.Вельмар, дипломник А.Х.Алискеров томонидан Эшакчи қишлоғи (Ҳамза массивидаги Эшакчи қишлоғида ўшанда ҳали аҳоли яшаган), Булоқ қишлоғи, Бошбулоқ, Чавдурбулоқ, Кўшоб, Ахир, Булоқ, Зикри қудуқлари, Сомонқўл қуриган қўли, Султон, Матжоншўр шўрхоқликлари, Ширмоқ, Чоштепа, Чор ва Сомон, Тошқудуқ, Ғажди тепаликлари қайд қилинган, Қорабулоқ деган жойдан туз қазиб олингани, Булоқ қишлоғидан олтингургуртли сув манбаси чиққанлиги ёзиб қолдирилган.



16 асрга мансуб Жўйбори хўжаларининг мол-мулк олиб-сотдиси ҳақидаги ҳужжатларда Қорақўл воҳасида жойлашган Файкали Урус, Бўз, Туркони Кўҳна (қишлоқлар), Бағ-и ариғи, Наҳри Тутак (Тутик), Наҳри Арғуншоҳ (ариқлар), Кўҳак (Зарафшоннинг Қорақўл воҳасида тугайдиган қисми), Регистони Хоразмий (Хоразм қумлиги, чўл), Дарвозаи Аб (Қорақўл қалъасидаги дарвозалардан бирининг номи), кейинги давр ҳужжатларида эса Жўйи хос, Хоса, Рўд, Косиб (ариқлар), Дахбекчи, Кул Човдур, Бурчак (қишлоқлар) каби катта-кичик топонимик объектларнинг номлари учрайди. Уларнинг ҳозирги номланишини ва қаерда жойлашганлигини билиш воҳамиз тарихининг қоронғи саҳифаларини ёритишга, юртдошларимиз руҳиятини кўтаришга хизмат қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақўл воҳасидаги ҳар бир топонимнинг ўз келиб чиқиш тарихи мавжуд, у аҳли Қорақўл ҳаётида қандай муҳим ижтимоий-сиёсий, маданий-этник жараёнлар, тил, маданият, дин соҳасидаги ўзгаришлар юз берганлигини бизга эслатиб турувчи маънавий дарслиқдир. Уни асраш, ардоқлаш, йўқ бўлиб кетишига йўл қўймаслик бизнинг нисонийлик, шу юртга фарзандлик бурчимиздир. Уларга қандай муносабатда бўлиш эса кимлигимизнинг, заковатимиз салоҳиятининг, фаҳм-фаросатимизнинг мезонидир.



Фойдаланилган адабиётлар

Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 6 томлик. 4-5 томлар. Тошкент, 2006, 2010.

Абдурахман Тали. История Абул-фейзхана. Ташкент, 1959.

Абулғозий Баҳодурхон. Шажарайи турк. Т.: Чўлпон, 1990.

Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёд-горликлар. Танланган асарлар. 1-жилд. (Осори ал-боқия). Т.: Фан, 1966.

Агеева Р.А. Страны и народы: происхождение названий. М.: Наука, 1990.

Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 20 томлик. Тошкент, 1998-2010.

Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. М.: Наука, 1965.

Бартольд В.В. Сочинения. 6 томах. М.: Наука, 1963.

Бекмухамедов Х.Ю. Тарих терминлари изоҳли луғати. Тошкент, 1977.

Борнс А. Путешествие в Бухару. С-Пб-М., 1848.

Брук С.И. Основные проблемы этнической географии. М.: Наука, 1969.

Буниятов З. Государство хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097-1231. М.: Наука, 1986.

Бухоро сафарномаси (Эрон элчиси Аббос Кулихоннинг кундалиги). Тошкент, 2005.

Вамбери Х. Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи. Т.: 1990.

Ваҳобов М.Ғ. Ўзбек социалистик миллати. Т.: Ўздавнашр, 1960.

Википедия. Интернет-энциклопедия.

Виткович В. Ўзбекистон бўйлаб саёҳат. Тошкент, 1971.



Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. М.: Наука, 1972.

Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение, М-Л. 1950.

Гумилев Л.Н. Древние тюрки. М.: Наука, 1967.

Гумилев Л.Н. Эфталиты и их соседи. ВДИ. – 1959. №1.

Гулямов Я.Г. Археологические работы к западу от Бухарского оазиса. Ташкент, 1956.

Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А.А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. Ташкент, 1966.

Древнетюркский словарь. Л.: Наука, 1969.

Зиётов З. Турон қавмлари. Т.: “Истиклол”, 2008.

Зимин Л. Развалины старого Пайкенда. Ташкент, 1923.

Ибн Ҳавқал. Китоб сурати ал-ард. Мовароуннахр. Тошкент, 2011.

Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих (Полный свод истории), Ташкент, 2006.

Иванов П.П. Хозяйство джуйбарских Шейхов. М.-Л.:Изд. АН СССР, 1954.

Ильин С. Геологические исследования мезо-кайнозойских отложений в области западного Узбекистана. Ташкент, 1937.

История материальной культуры Узбекистана. Ташкент, Фан, вып. за 1956 1985гг. (Статьи Я.Гулямова, А.Мухамеджанова, А.Аскарлова, У.Исламова, Р.Мирзаахмедова).

Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. Тошкент, Фан, 1982.

Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М.: 1976.

Литвинский Б.А. Этногенез и этническая история народов Средней Азии и Казахстана в древности и в средневековья (теор. аспекты). М.: 1990.



Мадраҳимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. Т.:2007.
Материалы по районированию Средней Азии. Кн.1.
Территория и население Бухары и Хорезма... Ташкент,
1926.

Махмуд ибн Вали. Бахр ал-асрор (Тайна морей...). Ташкент, 1977.

Махмуд Қошғарий. Девону луғатит турк. 3 томлик, Тошкент, 1960-1963.

Мейендорф Г. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М.: Наука, 1978.

Мирза Абдал-Азим Сами. Тарихи салатин-и манғитий-а Бухоро. М., 1962.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихий Рашидий, Тошкент, 2011.

Мирзо Улуғбек. Тарихи арбаъа улус (“Тўрт улус тарихи”), Тошкент, 1994.

Мир Муҳаммад Амине Бухари. Убайдуллонаме. Ташкент, 1957.

Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане... Ташкент, 1966.

Мунис Хоразмий, Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. Тошкент, 2011.

Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод. Тошкент, 2007.

Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (қадим даврдан XX аср бошларигача), Тошкент, Фан, 1972.

Муҳаммеджанов А.Р. История орошения Бухарского оазиса с древнейших времен до начала XX века. Т.:1976.

Наждат Тўсун. Ўрта Осиёда тасаввуф// тадқиқотлар тўплами: Ўрта Осиёда ислом.1 жилд. Анқара-Туркистон, 2012 йил. (Турк тилида).

Наршахий Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи. Ташкент,1966.



Населенные пункты Бухарского эмирата. Ташкент, изд. “Университет”, 2001.

Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси. Тошкент, 2012.

Огаҳий. Зубдату-т-таворих. Тошкент, 2011.

Пашту-русский словарь. М.: Русский язык, 1985.

Персидско-русский словарь. М.: Русский язык, 1985.

Рашид ад-дин. Сборник летописей. 2-изд. М-Л.: 1960.

Салимов Х. Население Средней Азии. Ташкент, 1975.

Современный Иран. Справочник. Москва, изд. АН СССР, 1957.

“Список населенных мест Зерафшанской области. 1925”, Ташкент, ЦСУ.

“Список населенных пунктов Узбекской ССР. 1928”, Ташкент, ЦСУ.

Таворих-и гузида, Нусратнаме. Ташкент, 1967.

Тенишев Э.Р. Саларский язык. М.: 1963.

Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, Фан, 1964.

Усманова Ш. Олтой тилларида муштарақ маиший лексика. Тошкент, 2010.

Фарҳанги забони тожики. Душанбе, Ирфон, 1966..

Ходжайов Т.К. Этнические процессы в Средней Азии в эпоху Средневековья. Т.: 1987.

Шайх Сулаймон ал-Бухорий. Луғати чиғатоӣи ва турки усмоний. Истанбул, 1882.(тошбосмадан жорий алифбога Н.Хусанов табдили).

Шамсиддин Камолиддин. Исследования по исторической топонимии Средней Азии. Топонимы. Топоформанты. Этимологии. Изд. Lap Lambert Academic Publishing, 2013.

Шевяков А.И. К идентификации городища Шахджувар.//ж. Общественные науки в Узбекистане. № 8-9, 1998.



Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, Шарқ, 2001.

Чехович О.Д. Бухарские документы XIV века. Т.: 1965.

Чехович О.Д. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве XVII-XIX веков. – М.:1954.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 томлик. Тошкент, 2008-2010.

Ўрта Осиё олимлари қомуси. Тошкент, 2007.

Қораев С. Географик номлар луғати. Тошкент, 1977.

Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. Тошкент, 2005.

Худуд ул-олам. Тошкент, Ўзбекистон, 2008 йил.

Хусанов Н. Шайх Сулаймон Бухорийнинг ҳаёти ва ижодий мероси. Тошкент, 2009. (шу олимнинг Шайх Сулаймон Бухорий ижоди ҳақидаги филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси).

Joseph Wolff. Narrative of a mission to Bokhara, in the years 1843-1845. London, 1848.

Мундарижа

Тарихнинг тилсиз гувоҳлари	3
Қорақўл воҳасидаги тарихий топонимлар.....	6
Илоти (Элоти) Саъйн амлоки ва унга кирган қишлоқлар.....	6
Тахти Қир амлоки ва унга кирган қишлоқлар.....	16
Ариқлар бўйича қишлоқларнинг тарихан жойлашиши.....	23
Наҳри Зайнаддин – Зайнаддин ариғи.....	23
Наҳри Зиёрат – Зиёрат ариғи.....	27
Наҳри Мўғул – Мўғул ариғи.....	32
Наҳри Сўксўк маъа даури Қўрғон – Сўксўк ариғи.....	38
Наҳри Талҳон Саййод – Талҳон Саййод ариғи	46
Наҳри Тўнг Бешариғ – Тўнг Бешариғ ариғи.....	52
Наҳри уйғур – уйғур ариғи	55
Ўша пайтда Хайробод туманига кирган Пойкенд (Пайканд) амлокига қарашли қишлоқлар	63
Қорақўл воҳасига туташ бошқа тарихий жой номлари ..	71
Тарихий манбаларда учровчи, аммо ҳозирда унут бўлган номлар	74
Қорақўл топоними ва туман тарихи ҳақида мухтасар сўз	78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	90

Илмий-оммабон нашр
Саъдулла ҒАЙБУЛЛАЕВ
ҚОРАҚҮЛ ВОҲАСИ ТОПОНИМЛАРИ
Илмий рисола

Муҳаррир:
Дилшод Ражаб
Техник муҳаррир:
Маъруф Рахмонов
Мусахҳиҳ:
Нодира Эгамкулова
Дизайнер:
Дилмурод Жалилов

«Tugon zamin ziyo» нашриёти
Лицензия: А1 № 171. 2010 йил 11 июн
Тошкент ш. Юнусобод-14. 27/35

Теришга 2015 йил 16 февралда берилди.
Босишга 2015 йил 20 апрелда рухсат этилди.
Бичими: 60x84 1/16. «Virtec Times» гарнитурасида
офсет босма усулида офсет коғозида босилди.
6 шарт. б.т. 5,58 ҳисоб нашр. таб.
Адади 1000 нусха. 51-сон буюртма.

“Муҳаррир“ нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.
E-mail: muharrir@list.ru.

ISBN 978-9943-335-99-8



9 789943 335998